

**Д Х А Р М А**

## 1-БОБ САБАБИЯТ

### 1. ТҮРТ ҲАҚИҚАТ

1. Мазкур башарият олами азоб-уқубутларга тұла. Ҳаёт — азоб, кексалик — азоб, касаллик — азоб, ұлим — азоб. Хуш күрмаган кишинг билан күришмок — азоб, маҳбубдан жудолик — азоб. Орзунинг ушалмаслиги ҳам азоб. Нимага бұлмасин, ҳар қандай тобеълик — азоб. Изтироблар ҳақиқати — будир.

Инсон дилига ин қурған хою ҳаваслар, шубхасиз, турмуш уқубатларини келтириб чиқаради. Дунёвий хою ҳаваслар ўз илдизлари билан кучли истакка-харисликка бориб тақалади. Бу харислик ҳаётта қаттиқ тобеъликни түгдиради. Инсон күрганини, әшитганини хохлаб қолади. У ҳатто ұлимни орзуладай бошлайды. Бас, изтироблар сабабининг ҳақиқати — шудир.

Агар дунёвий изтиробларнинг барча илдизи құритилса, тобеъликдан озод бўлинса, изтироб ҳам йўқолади. Бас, изтиробни маҳв этиш ҳақиқати — шудир.

Изтироблардан холга эришмок үчүн, саккиз таркибли тұғри йўлдан бормоқ керак. Бу — тұғри қарааш, тұғри фикрлаш, тұғри сұз, тұғри иш, тұғри турмуш тарзи, тұғри интилиш, тұғри хотира, ва эсхушни йигмоқдир. Харисликни бартараф қылувчи ушбу саккиз таркибли йўл тұғри йўлнинг ҳақиқати дейилади.

Албатта, бу ҳақиқатларни чуқур англамоқ зарур, зеро, олам дард-аламларга тұла, улардан фориг бўлмоқ үчун, дунёвий эхтирослардан қутилмоқ керак. Дунёвий эхтирос ва дард-аламлардан озод ҳолга фақат дили равшанлик орқали эришмок мумкин. Дили равшанликни эса ушбу саккиз таркибли йўл билан қўлга киритса бўлади.

2. Дхармага эргашувчи бу тўрт олиймақом ҳақиқатни билмоги зарур. Ким уларни билмаса, узок вакт зулумотда адашади. Бу олиймақом ҳақиқатларга эришганларни дили равшан одам дейилади.

Буддо таълимотига эргашишни истаган киши бу тўрт олиймақом ҳақиқатни бор кучи билан

Сабабият

ўзлаштиришга мажбур. Ҳамма замонларда тақводор рухонийлар бу ҳақиқатларни ўзлаштириб, бошқаларга ҳам ўргатгандар.

Инсон қачонки бу тўрт олиймақом ҳақиқатга эришса, ухирсдан озод бўлади, кишилар билан талашиб-тортишмай қўяди, қотиллик, ўгирилик, хиёнат, алдов, ҳақорат, тилёғламалик, ҳасад, газабдан тийилади, турмуш юкини ҳамиша эсда тутади ва тўгри йўлдан оғишмайди.

3. Дҳармага эргашувчи машъала билан қоронгу хонага кирган кишига ўхшайди. Зулмат чекиниб, уни ёруглик қуршайди.

Гар Дҳармага эргашувчи киши бу тўрт ҳақиқатга эришса, у жаҳолат зулматини барбод қилувчи ақлидрок чирогига эга бўлур.

Буддо кишиларга шу тўрт ҳақиқат асосида таълим беради. Кимки бу таълимотни тўгри қабул қиласа, ҳақиқатлар туфайли бу ташвишли дунёда дили равшанликка эришади ва бошқа кишиларга кўз- улок бўлиб. Уларнинг таянчига айланади.

Негаки, мазкур ҳақиқатларга эришмоқ — дунёвий эҳтиросларнинг манбаъи-зулматни тарқатади.

Ушбу тўрт ҳақиқат туфайли Буддо шогирдлари тааълим олиб, барча дунёвий ҳақиқатларнинг тагига етувчи ақл-идрокка ва ҳимматга эга бўладилар. Улар Буддо таълимотини истаган кишига ўргата оладилар.

## 2. АЖОЙИБ АЛОҚА

1. Одамлар изтиробининг ўз сабаби бўлганидек, тўгри йўл дили равшанликка олиб борганидек, бу дунёда барча ҳодисалар мавжуд ахвол натижасидир. Барча нарса мавжуд ахвол тақозаси билан пайдо бўлиб, вазият тақозаси йўқ бўлади.

Ёмгир ёғади, шамол эсади, гуллар гуллайди, барглар тўкилади — булар ҳаммаси вазият тақозаси билан юз беради. Инсон ота билан онанинг алоқаси туфайли тугилади. Озиқ-овқат унинг танасига қувват бўлади, тажриба ва билим онгни ўстиради.

Зеро, айтмоқ керакки, тана ва дил мавжуд ахвол туфайли яшайди ва вазият тақозаси билан ўзгаради.

## Сабабият

Бир-бири билан боғлиқ катаклардан түр ҳосил бўлганидек, бу дунёдаги барча нарсалар ўзаро алоқададир.

Кимки тўрнинг катаги ўзича мавжуд деб ўйласа, катта хато қиласди.

Катак бошқа катаклар билан туташгандагина, катак бўла олади. Хар бир катак ўзаро туташган бошқа катакларнинг бир бўлагидир.

2. Мавжуд ахвол туфайли гуллар гуллайди, шунингдек, мавжуд ахвол туфайли тўзийди.

Яъни мавжуд ахвол туфайли гуллар гуллар экан, мавжуд ахвол туфайли тўзир экан, бас, бу дунёда барқарор нарса йўқ. Ҳамма нарса ўзгариб туради. Ўзгармайдиган мустақил нарсанинг ўзи йўқ.

Неки мавжуд ахволга кўра тугилиб, мавжуд ахволга кўра ўлар экан. Бу муқим ҳақиқатдир. Неки аввалги ҳолатини йўқоотиб ўзгарар экан, бас, бу ягона устивор ҳақиқатдир. Ушбу ҳақиқатгина асрлар оша ўзгармайди.

## 3. ЎЗАРО АЛОҚА

1. Инсондаги безовталик, қайгу-алам ва изтиробларнинг сабаби нима? Сабаби — қарамлиқдир.

Инсон бойликка, шон-шухратга, тўқислик ва роҳат-фарогатнинг ўзига қарамдир. Мана шу қарамлик дард-аламни тугади.

Азалдан бу дунёда бало-офатлар мавжуд. Бундан ташқари, инсон қариллик, хасталик ва ўлимдан қочиб қутила олмайди, шундан азоб ва алам келади.

Қарамлик бор экан, азоб ва қайгу яшайверади. Агар қарамлик йўқолса, азоб-уқубат ва қайгу ҳам изсиз барҳам топади.

Инсон қарамлигининг илдизида жаҳолат ва очкӯзлик зулмати ётади.

Жаҳолат зулмати — инсоннинг дунёда ҳамма нарсанинг ўзгаришини, ҳақиқий сабаби алоқани кўришга лаёқатсизлигидандир. Очкӯзлик — инсоннинг эришиш мумкин бўлмаган нарсани хоҳлаши ва бу хоҳишдан воз кеча олмаслик хусусияти.

## Сабабият

Умуман, буюмлар ўртасида айирма йўқ, аммо одамлар улар орасида фарқ қўрадилар. Бу ҳолга жаҳолат зулмати ва очкўзлик сабабдир. Умуман. Буюмлар яхши ва ёмон бўлмайди, илло одамлар буюмларни яхши ва ёмонга яжратадилар. Бу нуқтаи назарни жаҳолат зулмати қўзгайди.

Одамларнинг дилида доимо ярамас фикрлар бўлади, нодонлик орқасида улар буюмларни асил тусида кўрмайдилар, ўзига ўзи қарамлиги орқасида хатто хатти-ҳаракатларга қиласидилар. Шунинг учун улар адашиб юрадилар.

Ўз аъмоллар полизига дил уругларини сепиб, одамлар уни жаҳолат тупроги билан кўмадилар, очкўзлик ёмғири билан намлайдилар, худбинлик суви билан сугорадилар, нотўгри қараш зироатини йигиб оладилар ва адашиб юрадилар.

2. Бинобарин, одамнинг дили безовталиқ, қайгу, азоб ва изтироблар билан гумроҳликни келтириб чиқаради.

Гумроҳлик олами дил келтириб чиқарган тасаввур оламидир. Равшанлик хам дилга хос хусусият.

3. Бу дунёда уч хато нуқтаи назар бор. Агар уларга амал қилинса, у ҳолда барча нарсаларни инкор этмокқа тўгри келади. Биринчи нуқтаи назарга

кұра инсон не күргулик тортса, бары тақдир ёзмиши деб тасдиқлайдилар. Иккінчи нұқтаи назарга мвофиқ бу ҳаммаси худодан дейдилар. Учинчи нұқтаи назар бүйича дунёда неки содир бұлаёттан эса, улар сабабий алоқага әга әмас дейдилар.

Агар ҳаммаси тақдир томонидан олдиндан ҳал қилингандай бұлса, у ҳолда яхши ишлару ёмон ишлар — бу тақдир. Бахту баҳтсизлик ҳам тақдир. Шу тариқа бу дунёда тақдирдан бошқа ҳеч нарса қолмайды.

Бунинг натижасида, одамлар турмуш таракқиётіга ҳар қандай умидни йүқтадилар ва меҳнат қилишдан тұхтайдилар, у ҳолда дунёда үнгланиш ҳам, тараққиёт ҳам бұлмайды.

Барча ҳодисалар худо томонидан содир бұлади деған нұқтаи назар ҳақида ҳам, буюмлар аро ҳеч қандай сабабий алоқа мавжуд әмас дегувчи охирги нұқтаи назар ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Агар одамлар буларға амал қылсалар, ёмон ишлардан тийилиб, яхши ишлар қымбакта бұлған ҳар қандай хошишни йүқтадилар. Бизларға зүр бермоқнинг маъноси қолмайды.

Зеро, бу уч нұқтаи назар хатодир. Ҳамма нарса мавжуд ахволдан туғилиб, вазият тақозаси туфайли нобуд бұлади.

2-БОБ  
ДИЛ ВА БЮОМЛАРНИНГ  
ХАҚИҚИЙ АҲВОЛИ

1. БАРЧА ӮЗГАРУВЧАН НАРСАЛАР  
ДОИМИЙ МОХИЯТГА ЭГА ЭМАС

1. Тана билан дил мавжуд аҳвол туфайли яралган, жисм ўз мохиятига эга эмас. Жисм — мавжуд аҳвол ҳосиласи, у абадий эмас.

Агар жисм мохиятга эга бўлганда, у ўзи истагандек бўла олур эди.

Шоҳ ўз салтанатида истаган ишини қила олади: хоҳласа, жазолайди, хоҳласа, мукофотлайди. Илло ўз жисми устидан ҳокимлик қила олмайди. Истамаса ҳам, унинг тани хасталанади, истамаса ҳам, у қарийди.

Худди шу каби дил ҳам ўз мохиятига молик эмас. Дил ҳам мавжуд аҳволнинг ҳосиласи, у доимий эмас.

Агарда дил мохиятга молик эса, не истаса, шуни қиласи, нени истамаса, уни қилмас эди. Ваҳоланки, истамаса ҳам, унга ярамас ўйлар келади. Хоҳламаса ҳам, у эзгулиқдан узоклашади.

2. Жисм барқарорми ёки доимо ўзгариб турадими деб сўрасалар, эҳтимол ҳар қандай одам ўзгариб турди деб жавоб беради.

Азият ёки роҳатнинг бекарорлигининг сўрасалар, ҳар қандай киши билганидай, бу дунёда ҳар бир жон вақт ўтиши билан қарийди, касалланади ва ўлади — шу азият деб жавоб беради, эҳтимол.

Бинобарин, бу ҳаммаси бекарор, вақт ўтиши билан ўзгарувчан, чунки у азиятдир, моҳиятга молик деб хисобламоқ хато бўлади.

Дил ҳам бекарордир. У ҳам азиятнинг ўзигина ва ўз моҳиятига молик эмас.

Бинобарин, жисму жонимиз ва уларни қўршаган нарсаларнинг “мен” ва “меники” деган тушунчага ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Фақат нодон дил ҳаммасини “ўзимники” деб хисоблаб, уларни қадрлайди.

Тана ва уни қўршаб турган нарсалар мавжуд ахвол туфайли яралган, шунинг учун абадий ўзгариб турди ва ҳеч қачон доимий бўлмайди.

Дил ва буюмларнинг ҳақиқий аҳволи

Дил оқин сув, ёнаётган аланга каби ўзгаради. Бир жойда қарор топмас маймун каби у абадий ҳаракатдадир. У бир зум ҳам тинчимайди.

Оқил одам буни кўриб ва англаб, ўз жисму жонига тобеъликни рад этмоги зарур. Қачонки у жисму жонига тобеъликни рад этса, дили равшанликка эришади.

3. Бу дунёда инсон эриша олмайдиган беш нарса бор. Биринчиси, қаримоқ насибаси бўлгач, қаримасликнинг иложи йўқ. Иккинчи, касаллик насибаси бўлгач, оғримасликнинг иложи йўқ. Учинчи, ўлишга маҳкум экан, ўлмасликнинг иложи йўқ. Тўртинчи, чиришга йўлиққач, чиримасликнинг иложи йўқ. Бешинчи, тугашга йўлиққач, тугамасликнинг иложи йўқ.

Оддий кишилар бу муқаррар ҳодисаларга дуч келганда, азият чека бошлийдилар, Илло Буддо таълимотини билган киши муқаррар ҳодисадан қочиб бўлмаслигини тушунади, у аҳмоқона азиятлардан озод.

Яна-тагин бу дунёда тўрт ҳақиқат бор. Биринчи ҳақиқат — бутун тирик жон жаҳолат зулматидан тугилади. Иккинчи ҳақиқат — хою ҳавас туткиларининг ҳаммаси беқарор, уларнинг ўзи азият, улар ҳамма вақт ўзгариб туради. Учинчи ҳақиқат — бутун

мавжудот бекарор, турган-битгани азиятнинг ўзи, ҳаммаси ўзгаради. Тұртингчы ҳақиқат — “мен” ва “меники” деганинг ўзи йўқ.

Бас, ҳаммаси бекарор, ҳаммаси ўзгарди, ҳеч бир нарсада хусусий “мен” йўқ — бу инкор қилиб бўлмас ҳақиқат. Буддонинг бу дунёда пайдо бўлиш ёки бўлмаслиги бундан мустасно. Бу ҳақиқатни англади, тагига етди ва одамларни бу ҳақиқатга ўргата бошлади.

## 2. ДИЛ

1. Гумроҳлик ҳам, дили равшанлик ҳам дилдан туғилади, дунёдаги барча ҳодисот дил фаолиятининг натижасидир. Баайни сеҳргарнинг енгидан чикқандек, ҳаммаси у орқали рўй беради.

Дилнинг ўзгарувчи бепоён, имкониятлари чегарасиз. Зеро, мурдор дил ўз теварагида мурдор олам, покиза дил покиза олам яратади. Дил билан боғлиқ ҳолда ташқи олам ҳар турли ҳолатда ўзгаргусидир.

Расм рассом томонидан яратилади, ташқи олам эса дил кўзгусида намоён бўлади. Буддо томонидан яратилган олам покиза ва дунёвий эҳтиросдан холи, инсон томонидан яратилган олам мурдор ва дунёвий эҳтиросларга тўла.

Дил ва буюмларнинг ҳақиқий аҳволи

Дил мохир рассом каби ҳар турли оламлар яратади. Бу дунёда дил ярата олмайдиган ҳеч нарса йўқ. Дилнинг ана шундай лаёқатига Буддо ҳам молик. Буддонинг ана шундай лаёқатига одамлар ҳам молик. Зоро, оламни яратишда дил, Буддо ва одамлар аро тафовут йўқ.

Дунёдаги барча нарсаларни дил яратишни Буддо тўгри тушунади. Буни англаган кишигини ҳақиқий Буддонаи кўриши мумкин.

2. Бироқ дил ҳамма вакт қўрқади, қайгуради ва изтироб чекади. Ўтиб кетди деб қўрқади, ўтмади дея қўрқади. Негаки, дилда жаҳолат зулмати ва аламли тобеълик хукмрон.

Шундайин жоҳил ва харис дилдан гумроҳлик дунёси туғилади. Гумроҳлик дунёсининг барча сабаблари охир-оқибат дилнинг ўзиiddадир.

Зоро, туғилиш билан ўлиш ҳам фақат дилдан соидир бўлади, ҳаёт ва ўлим борасида янглиш тасаввур тутдирган дил ўлса, у билан бирга бу янглиш тасаввур ҳам йўқолади.

Гумроҳлик олами дилдан содир бўлади. Яъни адашган дил кўзи билан дунёга боқсалар, дунё янглишувларга тўла кўринади. Қачонки одам гумроҳлик олами дилга дахлсиз мавжуд бўла олмаслигини тушунса, у мурдорлиқдан халос бўлади. Ва дили равшанликка эришади.

Шу тариқа, ушбу дунёни дил йўлга солади, у дил билан юргизилади ва дил билан бошқарилади. Агар дил янглишар бўлса, у ҳолда дунё адашув ва азоб-уқубатларга тўла.

3. Оламдаги жамий нарса дил томонидан яратилади, у дилга бўйинсунади ва у дилдан иборат. Мурдор дил билан сўзлаган ва қадам ташлаган кишини, сигир ортидан эргашган аравадай, ҳамиша азият кузатиб боради.

Илло агар инсон олижаноб дил билан сўзласа ва қадам ташласа, баайни ўз соҳиби ортидан эргашган соядек, уни роҳат кузатиб юради. Чакки қиликлар қилган киши бу дунёда ярамас ишлари учун азоб чекса, у дунёда ҳам жазо олиб кўпроқ азият тортади.

Дил ва буюмларнинг ҳақиқий аҳволи

Хайрли ишлар қилган киши бу дунёда яхшилик қилгани учун роҳат кўрса, нариги дунёда ҳам бунинг бадалига хузур-ҳаловат топади.

Агар дил хиралашса, йўл равон бўлмай қолади ва киши қокила бошлайди. Агар дил покиза бўлса, йўл доим тўғри ва текисдир.

Киши покиза жисму жон билан иблис тўрларини узиб-бузиб ташлайди, Буддо макони бўйлаб қадам ташлайди, у хотиржам дил билан фарогат топади ва куну тун ўз дилини камолга етказади.

### 3. БЮОМЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ АҲВОЛИ

1. Яъниким бу дунёдаги барча нарсалар мавжуд аҳвол туфайли яралган, улар аро тафовут йўқ. Аммо одамлар улар аро тафовут кўрадилар, бу — нотўғри тушунчадир.

Осмонда гарб ҳам, шарқ ҳам йўқ, аммо одамлар уни гарб ва шарққа бўладилар-да, шундай бўлмоги керак деб ўйлайдилар.

Бирдан бошлаб то чексизликкача сонлар мавжуд. Булар бутун сонлар, миқдорда ҳам тафовут йўқ, кўп миқдор ҳам, оз миқдор ҳам йўқ. Фақат одамлар

құлайлык ва фарқлаш истаги туфайли сонларни катта ва кичикка ажратадилар.

Умуман, ҳаёт жараёни, ҳалокат жараёни йүқ, аммо одамлар ҳаёт ва ўлимни кўрадилар. Зотан, хатти-ҳаракатлар яхши ҳам, ёмон ҳам бўлмайди, аммо инсон уларни яхши ва ёмонга ажратади. Бу — инсоннинг нотўғри тушунчаси.

Буддо бўлса ҳеч нарсада тафовут кўрмайди. Дунёни у кўкда сузувчи булутдек, шарпадек ҳисоблайди ва биладики, дил нени истаса, ҳаммаси, нени истамаса, ҳаммаси — пуч, асосга молик эмас. У ҳар қандай дил хоҳишларидан холидир.

2. Дилнинг құлай ва яхши яшамоқ истаги туфайли одамлар дунёдаги барча нарсаларга кўнгил қўядилар. Улар бойликка тобеъ, мартаба, шухрат, ўз турмушига тобеъ бўладилар.

Одамлар ҳамма нарсага кўнгил боғлайдилар: бор нарсага, йўқ нарсага, яхшиликка ва ёмонликка, тўгрига ва нотўгрига, бас, шундан янглишадилар ва изтироб чекадилар.

Бор экан-да, йўқ экан, бир одам яшаган экан, Узок саёҳатга жўнаб, кунларнинг бирида катта дарё

Дил ва буюмларнинг ҳақиқий ахволи

бўйига келибди. “Бу қиргок ҳатарли, нариги иргоқ бехатар”, - деб ўйлабди у. Сол боғлаб, унда қарама-қарши қиргокқа эсон-омон сузид ўтибди. Бехатар қиргокқа етиб, қарор қилибди: “Бу сол мени эсон-омон бу қиргокқа олиб ўтди. Менга жуда ёрдам берди. Шунинг учун уни ташламайман, елкамда олиб юраман.”

Инсон солни елкасига олиб тўгри қилдими? Йўқ, нотўгри.

Бу зарбулмасал таълим беради: “Ҳатто тўгри бўлса ҳам, кўнгил қўйиш жоиз эмас, ундан кўнгил узиш керак. Нотўгридан яна ҳам тезроқ кўнгил узиб, уни дарҳол рад этмоқ керак.”

3. Бу дунёда бизни қуршаб турган нарсалар ҳеч ердан келмайди ва ҳеч ерга кетмайди, тугилмайди ва ўлмайди, бинобарин, уни тасарруфга олмоқ, йўқотмоқ мумкин эмас.

Буддо таълим берадики, “Дунёдаги барча нарсалар “бор” ва “йўқ” тушунчасидан ҳоли. Шунинг учун уларни бор ва йўқ дейиш мумкин эмас. Улар тугилмайди ва ўлмайди.” Бу дегани шуки, барча нарсалар мавжуд ахвол оқибатида яралади ва ўз асосига эга эмас, демак, уларни яшаётир дейиш мумкин эмас. Яъни улар мавжуд ахвол оқибатида яралган ва

аслида яшаётир, уларни йўқ дейиш ҳам мумкин эмас.

Агар буюмларни кўриб, уларга кўнгил боғласанг, бунга дил адашуви сабаб. Агар, буюмларни кўриб, уларга кўнгил боғламасанг, дилда истак пайдо бўлмайди. Дили равшанлик — бу ҳақиқатни англаш ва дил истагидан халос бўлишдир.

Дунё аслида туш кабидир. Хазина ҳам шарпа кабидир. Ҳаммаси расмдаги каби: биз унда паст-баланд жойларни кўрсак ҳам, аслида улар йўқ, бир текисликка чизилган. Дунёдаги жамий нарса гўё жазира-мада живирлаган ҳаво кабидир.

4. Ҳамма нарса ўлчовсиз мавжуд ахволлар туфайли яралган, абадий мавжуд деб инонмоқ — “абадий мавжудлик назарияси” деб аталувчи хато қарашдир. Бошқа жиҳатдан, ҳамма нарса гойиб бўлади деб инонмоқ — бу ҳам “номавжудлик назарияси” деб аталувчи хато қарашдир.”

Абадий ҳаёт ва ўлимнинг, мавжудлик ва номавжудликнинг бу барча тамойиллари буюмларнинг ҳақиқий мавқеъи эмас. Кўнгил боғлагани учун улар инсонга шундай туюлади холос. Аслида дунёдаги ҳамма нарса, инсон ишқибозлигидан қатъий назар, мавжуддир.

Дил ва буюмларнинг ҳақиқий ахволи

Яъниким барча буюмлар мавжуд ахвол туфайли бунёд бўлган, ҳаммаси ўзгаради. Буюмлар моҳиятга молик эмас, шунинг учун абадий ва барқарор бўла олмайди. Негаки улар ҳамма вакт ўзгариб туради, улар шарпа, жазирамадан живирлаган ҳаво кабидир. Айни вактда улар ҳаққонийдир. Ўзининг ўзгарувида абадий.

Дарё инсонга дарё туюлади, илло очофат рух, учун у дарё эмас, оловни ифодалайди. Зотан, очофат рух, учун дарё “бор” ва инсон учун дарё “йўқ” дейиш но-жоиз.

Шунга ўхшаш хеч бир нарса ҳақида у бор ёки йўқ дейиш мумкин эмас, зеро, у ҳаммаси шарпадир.

Айни пайтда, яъни шарпадек дунёдан бошқа ҳаққоний дунё, абадий дунё йўқ, бу дунё шартли ва мувакқат дейиш ҳам раво эмас. Шунингдек, бу ҳаққоний дунё дейиш ҳам нораво.

Одамлар хатоларнинг сабабчиси шу дунё деб ўйлайдилар, аммо агар бу дунё шарпа экан, у ҳолда инсон дилида хошиш уйғотмаслиги ва уни хатога дучор этмаслиги керак эди. Одамлар ўз нодонлиги туфайли хатога ботадилар, яъни ҳақиқатни билмайди-

лар, натижада, ушбу дунёни ё шартли ва муваққат, ё ҳаққоний деб ҳисоблашади.

Оқил киши эса бу ҳақиқатни англайди, шарпани шарпадек кўради ва хатога ботмайди.

#### 4. ЎРТАЧА ЙЎЛ

1. Кимки Буддо таълимотига эргашса, икки четки турмуш тарзидан қочиши зарур: биринчиси — ўзининг тубан истакларига хиёнаткорона таслим бўлмаслик, иккинчиси — ўз жисму жонини турли қийноқларга солиб тақвадорлик қилмаслик.

Ушбу икки четки турмуш тарзидан қочиб, кўнгил кўзини очувчи, онгни ўстирувчи ва ниҳоят, дили равшанликка элтувчи ўртаҳол турмуш тарзи билан яшаш лозим.

Ўртacha турмуш тарзи нимани билдиради? Саккиз тўғри йўлни билдиради: тўғри қараш, тўғри фикрлаш, тўғри сўзлаш, тўғри ишлар, тўғри турмуш тарзи, тўғри интилиш, тўғри хотира, диққатни тўғри жамлаш.

Дунёда ҳамма нарса мавжуд ахвол туфайли бунёд бўлади ва емирилади, зеро, буюмларни яшайди ва яшамайди демок ножоиз. Баъзи нодон кишилар яшайди деб, бошқалари яшамайди деб ҳисоблайдилар. Аммо тўгри идрокли кишилар учун улар яшамоқ ва яшамасликдан ташқаридадир. Бу нуқтаи назар буюмларга ўртacha тўгри қарашдир.

2. Тасаввур қилайликки, катта дарё бўйлаб катта хода оқиб боряпти. Агар у на ўнг қирғоққа, на чап қирғоққа яқинлашмаса, дарёнинг ўртасида чўкмаса, қирғоққа чиқариб ташланмаса, биронтаси томонидан тутиб олинмаса, гирдоб тортиб кетмаса, ичдан чириб кетмаса, охир-оқибат, денгизга етиб боради.

Кимки Буддо таълимоти изидан борса, шу хода янглиғ ички ва ташқи омилларга, мавжуд ва номавжудликка, тўгри ва тўгри эмасга кўнгил боғламаслиги, гумроҳликлардан халос бўлиши зарур, дили равшанлик ҳақида ҳадеб ўйламаслиги ва фақат дарёнинг ўртасидан сузмоги зарур. Шунинг ўзи буюмларга ўртаҳол қараш ва ўртacha турмуш тарзидир.

Буддо таълимоти изидан бораётган киши учун ўз ҳаётидан чеккаликтан қочмоқ ва доим ўрталиқда устивор турмок мухимдир.

Бирор нарсага кўнгил боғламоқ раво эмас, дунёда ҳеч нарса яралмайди ва емирилмайди, муайян хусусиятларга эга эмас деб тушунмоқ керак. Ҳатто ўзининг кори хайрларига ҳам кўнгил боғламоқ нораво, ҳеч нарсага кўнгил боғлаб бўлмайди.

Кўнгил боғламаслик — бу, демак, бирор нарсага маҳкам ёпишиб олмаслик, мубтало бўлмаслиқдир. Буддо таълимотига эргашувчи ўлимдан қўрқмайди ва ўзига умр тиламайди. У турли қарашларга эргашмайди.

Инсон бирор нарсага кўнгил боғлаганда, дарҳол йўлдан адаша бошлайди. Шунинг учун дили равшанлик йўлидан борувчи нарсага кўнгил боғламаслиги, ҳеч нарсадан тутмаслиги, ҳеч нарсага чалгимаслиги, ҳеч нарсада тўхтамаслиги зарур.

3. Дили равшанлик муайян шакл ёки тусга молик эмаски, унда намоён бўла олсин. Яъни дили равшанлиқда ёришар нарсанинг ўзи йўқ.

Янглишувлар бор экан, дили равшанлик ҳам бор. Башарти, адашувлар бўлмаса, дили равшанлик ҳам бўлмайди. Адашувларсиз дили равшанлик, дили равшанликсиз адашувларнинг бўлиши мумкин эмас.

Зоро, дили равшанликнинг мавжудлиги тўсиққа айланади. Зулмат бор экан, уни ёритмоқ керак. Агар

Дил ва буюмларнинг ҳақиқий аҳволи

зулмат бўлмаса, ёритмоқнинг ҳам ҳожати йўқ эди. У ҳолда на ёргулик, на ёритилар нарса бўлур эди.

Ҳақиқатдан, кимки Буддо таълимоти изидан юрса, дили равшанликка етиб, унда тўхтаб қолмайди. Чунки дили равшанликнинг мавжудлиги янглишувнинг ҳам борлигидир.

Бу ҳолга етишув туфайли гумроҳлик дили равшанликка, зулмат нурга айланади. Дилни шу дараҷада ёритмоқ керакки, токи барча дунёвий эҳтирослар дили равшанликдан бошқа нарса бўлмай қолсин.

4. Барча буюмлар ўзаро тенгдир, улар ўртасида тафовут йўқ. Бу тушунча шунъята ёки пучлик дейилади. Буюмлар ўзларича моҳиятга молик эмас, улар тугилмайди ва емирилмайди. Уларни сўз билан таърифламоқ имконсиз, чунки улар — говакдир.

Дунёда барча нарсалар ўзаро алоқада, бири бирига боғлик ва айрим ҳолда ўзича яшай олмайди.

Бу кўланка ва ёргулук, узунлик ва қисқалик. Оқ ва қора кабидир. Буюмлар айрим ҳолда ўзича яшай олмайди. Акс ҳолда улар ўз табиатини йўқотади.

Шу каби янглишувсиз дили равшанлик йўқ, дили равшанликсиз янглишув йўқ. Яъни бу икки тушунча бири бирига қарама-қаршилик қиласмиади, буюмлар икки қарама-қарши хусусиятга эга эмас.

5. Инсонга буюмлар ҳамиша тугилаётгандай ва емирилаётгандай туюлади. Илло аслида буюмлар тугилмайди, демакки, емирилмайди ҳам.

Буюмларнинг ҳақиқий ахволини кўра олувчи соҳиби кўз буюмларнинг тугилмаслиги ва емирилмаслигини билади, ҳақиқатни англайди ва буларнинг ҳар хил тушунчалар эмаслигини фаҳмлай бошлайди.

Инсон “мен”ни бор деб ўйлайди, шунинг учун “меники” дейишда устивор туради. Аслида, “мен” йўқ, зеро, “ меники”нинг ҳам бўлиши мумкин эмас. “Мен”нинг ҳам, “меники”нинг ҳам йўқлигидан воқиф бўлиб, киши ҳақиқатнинг тагига етиб, буларнинг ҳар хил тушунчалар эмаслигини аглай бошлайди.

Инсон тоза ва ифлос бор деб ўйлаб, буюмларни тоза ва ифлосга ажратади. Аслида на тоза ва на ифлос

Дил ва буюмларнинг ҳақиқий ахволи

буюм бўлади. Тоза ва ифлос демоқ ў инсон дилнинг хато тасавуридир.

Инсон эзгулик ва ёвузликни бор деб ўйлайди, ҳодисаларни яхши ва ёмонга ажратади. Илло биргина эзгулик ва биргина ёвузликнинг ўзи бўлмайди. Дили равшанлик йўлидан борувчи ҳақиқатга етиб, эзгулик ва ёвузлик бошқа-бошқа тушунчалар эмаслигини билади.

Инсон баҳтсизликдан қўрқади ва баҳт тилайди. Илло, агар бу тушунчаларга ҳақиқий идрок кўзи билан қарасангиз, баҳтсиз вазият баҳтли вазиятдан ўзга ҳолат эмаслиги аён бўлади. Зоро, у баҳтсизлик баҳтдан ўзга нарса эмаслигини англайди. У ҳақиқатга етиб, жисму жони дучор бўлган гумроҳликнинг ва кишанланган озодлигу ҳаққоний озодликнинг йўқлигини тушунади.

Зоро, “мавжудлик” ва “номавжудлик”, “гумроҳлик” ва “дили равшанлик”, “ҳаққоний” ва “ноҳаққоний”, “тўгри” ва “нотўгри” дейдилар-у, аслида икки қарама-қарши тушунча йўқ. Уларнинг ҳақиқий ҳолатини сўз билан ифодалаб бўлмайди, кўрсатиш имконсиз, фаҳмлаб бўлмайди. Сўзлардан, ва дил тасаввурларидан халос бўлмоқ зарур. Инсон қачонки сўзлар ва тасаввурлардан халос бўлса, ҳаққоний пучликни танийди.

6. Масалан, нилуфар тоза ясси тоглик ва юксакликда ўсмайди, балки ифлос ботқоқликда гуллайди. Худди шу каби дили равшанлик гумроҳликда юз беради, уруглари хато қарашлар ва гумроҳликда унади.

Денгиз тубига тушмай, эҳтимолий хатарларни енгмай туриб, бебаҳо дурданаларни олиб чикиб бўлмаганидек, гумроҳликнинг ифлос денгизига кирмай туриб, дили равшанлик дурдонасини эгаллаб бўлмайди. Киши ўзини тог баравар чогласа ҳам, агар Буддо таълимотига эргаша олса, у муқаррар дили равшанликка эришади.

Қадимда донишманлар чакир тошли қояларга тирмашиб чикиб шикастланмаган, ловуллаб турган оловга ўзини ташлаб куйиб қолмаган ва ўлмаганлар, доим ёш-шашн ва бардамлигича қолганлар. Буддо таълимоти изидан борган киши ҳам ор-номуснинг чакир тошли қояларида ҳам, нафратнинг ловуллаб турган оловида ҳам дили равшанликнинг саррин эпкинини ҳис этади.

7. Буддо таълимоти изидан борувчи ҳақиқатга этиб, қарама-қарши тушунчалар бошқа-бошқа ту-

Дил ва буюмларнинг ҳақиқий аҳволи

шунчалар эмаслигини тушунади. Башарти, икки қарама-қарши тушунчадан бирини танлаш ва уни қаттиқ тутиш. Гарчи у эзгу ёхуд тўғри эса-да, хато бўлади.

Агар киши дунёдаги барча нарсалар ўзгаради деган фикрда қаттиқ турса, бу ҳам хато бўлади. Агар ҳеч бир нарса ўзгармайди деган фикрда қаттиқ турса, бу яна-да каттароқ хато. Агар киши ўз “мен”ининг борлигига қатъий ишонса, бу хато бўлади ва у ўз изтиробларини тўхтата билмайди. Агарда у ўз “мен”ининг йўқлигига қатъий ишонса, бу ҳам хато бўлади ва Буддо таълимоти изидан боришида маъни қолмайди.

Агар киши дунёнинг турган-битгани азоб деб иккilanмай ишонса, бу ҳам хато. Агар киши дунёнинг турган-битгани роҳат деб ишонса, бу ҳам хато, Буддо таълимоти ўрта йўлни кўрсатади, чеккалиқдан қочмоқни таълим беради.

## 3-БОБ. ДИЛИ РАВШАНЛИК УРУГЛАРИ

### 1. ПОКИЗА ДИЛ

1. Оламда ҳар хил одамлар бор. Бир оз хидалашган дилли одамлар, күпроқ хидалашган дилли одамлар бор. Ақлли кишилар бор, ахмок кишилар бор.

Олижаноб кишилар бор, жохил кишилар ҳам бор. Бирини ўқитмоқ осон, бошқасини ўқитмоқ қийин.

Одамларни ховузда ўсувчи анвойи тусли: мовий, қизил, сарық, оқ ва бошқа тусли нилуфарларга қиёс қилиш мумкин. Уларнинг бари сувда ўсади, аммо уларнинг айримлари сув сатҳида кўринмайди. Бошқалари сув юзида очилади, учинчилари сув сатҳидан юқорида гуллайди ва сувга мутлақо тегмайди.

Бундан ташқари, одамлар ўртасида жинсий тафовут ҳам бор. Аёллар ва эркаклар бор. Илло ўз мохияти билан барча одамлар бир хил. Буддо таълимотига эркак эргашиб, дили равшанликка эриша олганидек, аёл ҳам агар у ўз дилини муносиб равишда камол топдирса, дили равшанликка эриша олади.

Филни бошқаришга ўрганиш учун, ихлос, сиххат, қуант, ҳалоллик ва ақл даркор. Буддога эргашиб, дили равшанликка эришмоқ учун ҳам шу беш сифат лозим. Агар шу барча сифатлар бўлса, Буддо таълимотини ўзлаштириш учун кўп вақт талаб қилинмайди. Чунки барча одамлар дили равшанликка эриша оладиган қилиб яратилганилар.

2. Инсон дили равшанлик йўлида кўзи билан Буддони кўради, дили билан Буддога ионади. Зеро, Буддони кўрган кўзлар ўзи ва унга инонган дилнинг ўзи инсонни шу чоққача ҳаёт-мамот оламида олиб юрибди.

Қароқчиларни тор-мор қилмоғи учун, шоҳ, энг аввало, уларнинг уяси қаерда эканинии билмоғи керак. Чунки гумроҳликнинг томирини қуритмоқ учун, унинг кўзии ва дили қаерда эканини билмоқ зарур.

Инсон агар хона ичида кўзини очса, дастлаб, у хона ичидаги нарсани кўради. Сўнгра у деразага боқади ва ундан ташқаридаги нарсани кўради. Кўзлар хона ичидаги нарсани кўрмай, фақат дераза ортидаги нарсанигина кўрмоги мумкин эмас.

Модомики, дил тана ичида экан, у аввало, тана ичидаги нарсани яхшиги кўрмоги ақлга тайин, Холбуки, инсон ўз танасидан ташқаридаги

нарсани яхши билади, танаси ичида нима борлигини эса деярли билмайди.

Агар дил тана ташқарисида бўлганда эди, у ҳолда дил билан тана бир-биридан ажралар ва дил тананинг, тана дилнинг не биларидан воқиф бўлмас эди. Аслида, дил нени билса, тана хис этади, аксинча, дил нени хис этса, дил ўшани билади. Инчунин, дилни тана ташқарисида демоқ ножоиз. У чогда дилнинг асоси қаерда?

3. Хотирага сигмас замонлардан буён аҳли олам хусусий ишларига ишсиз боғланган ва сарсон-саргардон, чунки у икки нарсани билмайди.

Биринчиси — туғилиш билан ўлишнигина кўра олган гумроҳ дилни одамлар ўз моҳияти деб қабул қиласидилар. Иккинчиси — дили равшанликнинг моҳияти покиза дил бўлиб, у гумроҳ дилнинг кўланкасида яширин ва ичида эканини билмайдилар.

Инсон мушт туғиб қўлинни кўтарганда, кўзлари уни кўради ва бу ҳақда дил хабар топади. Аммо бу дил чин дил эмас.

Фикрловчи дил истакдан вужудга келади. Бу дил ўз манфаати учун қайгуради. У мавжуд ахвол сабаб-

Дили равшанлик уруглари

ли қўзголади, аммо у ўзгарувчан, ўзининг ҳақиқий табиатига молик эмас.

Инсоннинг у табиатига эга деб ишонишидан гумроҳлик юзага келади.

Инсон тугилган муштини ёзган чогда, дил муштнинг ёзилаётганидан хабар топади. Нима ҳаракатта келади? Қўлми? Ёки дилми? Ёки униси ҳам буниси ҳам эмасми?

Агар қўл ҳаракатта келса, дил ҳам қўзголади. Ёки дил ҳаракати қўлга ўтадими? Илло ҳаракаттакелган дил — қаърдаги дил эмас, юзадаги дилдир.

4. Барча одамларда покиза ҳақиқий дил мавжуд. У ташқи мавжуд ахвол туфайли пайдо бўлган гумроҳлик чангни билан қопланган. Аммо янгишувчан дил, ҳар тугул, асосий эмас, иккинчи даражалидир.

Ой маълум вақтгача булутлар билан қоплансанда ҳам, булутлар уни буғлай олмайди ва жойидан жилдира олмайди.

Шунинг учун инсон учеб юрувчи булут — чангга ўхшаш сарсон дилни моҳиятим деб ўйламаслиги керак.

Шунингдек, инсон тезроқ ўзининг устивор, бадбинликдан холи ҳақиқий дилини топмоги ва ўзининг ҳақиқий холига қайтмоги керак. Негаки инсон

бекарор сарсон дилнинг асиридир, буюмларга нотўгри қарашиб туфайли у гумроҳлик денгизида адашмоққа мажбур.

Инсон дилининг янглишуви ва мурдорлиги турлитуман истак ва доимо ўзгариб турувчи ташқи сабаблар туфайли ҳосил бўлади.

Абадий устивор, емирилмас дил, бундай ташқи сабаблардан мустақил дил — инсон дилининг моҳияти шу, у — муҳимmdir.

Зеро, меҳмон кетди — меҳмонхона йўқолди деб бўлмайди, ташқи вазиятлар туфайли қад рост slab ва гойиб бўлувчи фикрчан дил йўқолса, инсон ҳам яшамоқдан тўхтади деб бўлмайди. Ташқи вазиятларга боғлиқ равишда ўзгарувчан ниятлар — дилнинг моҳияти эмас.

5. Бу ерда танобий хонамиз бор деб тасаввур қиласайлик. Қуёш чиққан маҳалда хона ичи ёришиб кетади. Ботган чогда қоронгулашади.

Ёргуликни қуёшнинг, зулматни туннинг иши дейлик. Бироқ ёргулик билан зулматни фарқлашимизга восита бўлган қувватни ҳеч нимага тиркай олмаймиз. Уни дилнинг моҳиятига тиркашдан ўзга чорамиз йўқ.

Қуёш чиққан чогда биз ёргликтин кўрамиз, бу дилнинг лаҳзалик кўриниши. Қуёш ботган чогда, биз зулматни кўрамиз, бу ҳам дилнинг лаҳзалик кўриниши.

Ёрглик ва зулмат каби ташқи вазиятлар биздаги уларни фарқловчи дилни қўзгайди. Бироқ бу дилнинг вақтли кўриниши холос, дилнинг ўзи эмас, унинг моҳияти эмас. Ёрглик ва зулматни фарқловчи қувватнинг манбаъ — ана шу дилнинг моҳияти.

Ташқи вазиятлар натижасида пайдо бўлувчи ва йўқолувчи эзгулик билан ёвузлик, муҳаббат билан нафрат тушунчалари — инсон дилида жамланган мурдорликлар туфайли юзага келган вақтли кўринишdir.

Асил покиза дил борки, дунёвий эхтирослар чангни қўнса ҳам, у чанг босмайди ва булганмайди.

Сув думалоқ идишда думалоқдай, тўртбурчак идишда тўртбурчакдай туюлади. Ваҳоланки, сув ўз хоссасига кўра на думалоқ, на тўртбурчак. Аммо одамлар буни унутиб, унинг фақат шаклига қараб ҳукм чиқарадилар. Одамлар яхшилик ва ёмонлик, муҳаббат ва нафрат, мавжудлик ва номавжудлик каби тушунчаларга гирифткорки, фақат ташқи шаклни кўзда тутиб изтироб чекадилар.

Агар ипсиз бөглаб турувчи ташки вазиятлардан халос бўлиб, ўзининг хур моҳиятини қўлга киритса, тана ҳам, дил ҳам ҳеч нарсага тобеъ бўлмаган тўла озодликка эришган бўлур эди.

## 2. ЯШИРИН ГАВҲАР

1. Покиза ва ҳақиқий дил — бу, бошқача айтгандан, Буддонинг моҳияти ёки Буддонинг уругидир.

Биз каттарувчи ойнакни қўлга олиб, у орқали қуёш нурини пўстакка туширган чогимизда, нега пўстакка ўт туташади? Олов қаердан унди? Қуёш билан каттарувчи ойнак бир-биридан узоқ турибди, улар бир жойда қўшилар олмайди, бироқ каттарувчи ойнак қуёш нури воситасида пўстакни куйдирганига шубҳа йўқ. Қуёш нурлари пўстакда тўпланса ҳам, агар у куймас бўлса, ўт олмас эди.

Агар Буддони келтириб чиқарган Буддо моҳияти пўстагига Буддо ақл-заковатининг каттарувчи ойнагини тутилса, одамлар пўстагида ўт туташиб, Буддо моҳиятини очувчи эътиқод алангасга айланар эди.

Яқни Буддо ўз ақл-заковатнинг каттарувчи ойнагини олам сари тутса, оламда иймон олови аланга олгуси.

2. Барчада табиатан дили равшанлик уруги бўлишига қарамай, одамлар дунёвий эҳтирослар чангининг булути орасида қолади, яхши-ёмонлик тушунчасининг асирига айланади ва сиқилишдан но лийдилар.

Нега одамлар табиатан соҳиби дили равшанлик бўлгани ҳолда қалбаки тушунчаларни ўйлаб топадилар, Буддо чарогидан юз ўгирадилар. Гумроҳлик оламида сарсон кезадилар.

Узоқ ўтмишда бир киши эрта тонгда туриб, ойнага қараб, юзи ҳам, калласи ҳам йўқлигини кўриб, кўрқиб кетибди. Асли унинг юзи ҳам, калласи ҳам жойида эди. Шунчаки у ойнани тескари қилиб тутган эди ва унга шундай кўринган эди.

Қанча тиришса ҳам, дили равшанликка ета олмай, машаққат чекиш — ахмоқона ҳол. Ахир машаққат чекишнинг ҳожати йўқ. Дили равшанлиқда гумроҳлик йўқ, аммо инсон узоқ замон ташки губор остиида ҳаракат қилган, тасаввур оламида яшаган экан, бу билан у ўзи учун гумроҳлик олами яратган.

Шунинг учун қачонки тасаввур оламидан чиқса, табиий, унга дили равшанлик қайтади ва дунёда дили

равшанлиқдан ташқари, тасаввур олами йўқлигини англайди. Аммо баридан қизиги шуки, дили равшанликка етган киши учун энди тасаввур олами йўқ ва у дили равшанликка ҳожат қолмаганини англайди.

3. Буддонинг ушбу моҳияти абадий. Одамзот бу дунёда жонивор бўлиб туғилсин, ёки очофат рухга эврилиб қайта яралиб азоб тортсин, ёки дузахга тушсин, Буддо моҳияти доим яшайверади.

Мурдор танада ҳам, дунёвий эҳтиросларнинг ифлос тубида ҳам Буддо моҳияти нур сочишни давом эттиради.

4. Қадим замонда бир киши дўсти тарафга меҳмондорчиликка борибди.

Май ичиб маст бўлибди ва дўстининг уйида ухлаб қолибди. Ухлаётганда, дўстининг шошилинч иши чиқиб қолиб, сафарга жўнабди. Аммо у меҳмоннинг гамини еб, унинг кийими ёқасига гавҳар тикиб қўйибди.

Буни билмаган меҳмон уйгониб, бўлак ўлкалар бўйлаб дайдиб кетибди, бироқ унинг ейишга ҳам, ичишга ҳам ҳеч нарсаси йўқ экан. У дўсти билан қайта учрашганда, ёқасига тикилган гавҳардан фой-

даланишни маслахат берибди. Зарбулмасалда айтилгандек, Буддо моҳиятининг харислик ва газаб каби дунёвий эҳтирослар кийими ёқасига яширилган, илло у ҳеч қачон хиралашмайди.

Дунёда одам йўқки, унга Буддо ўз ақл-заковатидан ҳисса улашмаган бўлсин. Зеро, Буддо одамларни на-зардан ўтказиб шодланади: “Қандай соз. Аҳли олам Буддонинг ақл-заковати ва иноятига молик.”

Илло одамлар гафлатда, буюмларга лойик қарамайди ва ўзида Буддо моҳиятини қўрмайдилар, шунинг учун Буддо одамларга таълим беради, уларни тасаввур оламидан қайтаради ва тугилганидан бошлаб Буддодан ҳеч бир айирмаси йўқлигини уқдиради.

5. Бу ерда таърифланаётган Буддо — аллақачон Буддога айланган инсон. Барча кишиларнинг ҳам ис-тиқболда Буддо бўлмоқ — қисматидир, бошқа ҳеч ким.

Буддо бўлмоққа маҳкум бўлса ҳам, ҳозирча улар Буддога айланганлари йўқ. Зеро, кимдир Буддо таълимотининг тагига етдим деб ўйласа, катта хато қиласди.

Ҳаммада Буддо моҳияти бўлса-да, киши Буддо таълимотини англаб етмагунча, у юз кўрсатмайди. Модомики, юз кўрсатмас экан, демак, Буддо таълимотини англаб етган эмас.

6. Қадим замонда бир шоҳ яшаган экан. У хузурига кўрларни тўплабди. Уларга филга қўл тегизиб кўришни буюрибди ва ҳар биридан фил қандай туюлганини сўрабди. Фил тишига қўл тегизган кўр филни улкан сабзига ўхшайди деб жавоб берибди. Қулогига қўл тегизган кўр фил катта елшугичига ўхшайди деб жавоб берибди. Хартумига қўл тегизгани фил ўғир сопига ўхшайди дебди. Оёғига қўл тегизгани фил катта қозикқа ўхшашини айтибди. Думини ушлаб кўрган кўр фил арқонга ўхшайди деб жавоб берибди.

Биронта кўр фил хусусида тўғри тасаввур олмабди.

Худди шунга ўхшаб, одамга қўл тегизиб, унинг танасидаги айрим аъзоларнигина аниқлаш мумкин, аммо унинг табиати, яъни Буддо моҳияти борасида бир нима дейиш фоят душвор.

Инсоннинг ўлими олдида ҳам йўқолмайдиган, дунёвий эҳтирослар орасида ҳам хиралашмайдиган ва абадий яшовчи Буддо моҳиятини факат Буддо ва Унинг таълимоти ёрдамидагина топиш мумкин.

### 3. ТОБЕЪЛИКДАН ХАЛОС БЎЛИШ

1. Ҳар бир одамда Буддо моҳияти бор. Лекин баъзилар уни бошқа таълимотларда тарғиб

Дили равшанлик уруглари

қилинганидек, бизнинг “мен”имиз деб ўйлайдилар. Улар қаттиқ хато қиласидилар.

“Мен” тобеъликка хос, дили равшан киши эса тобеъликтан қутилмоқ учун, “мен”дан халос бўлиши лозим. Буддо моҳияти — дафина, уни очмоқ керак. У “мен”га ўхшайди-ю, аммо биз назарда тутган, “мен” ёки “менинг” деб сўзлайдиган “мен” эмас.

Кимки менинг “мен”им бор деб ўйласа, хато қиласи, яъни йўқни бор ўрни қабул қиласан бўлади. Кимки Буддо моҳиятини тан олмаса, борни йўқ ўрнида қабул қилиб, яна хато қиласи.

Масалан, гўдагимиз оғриб қолди дейлик. Уни табибга кўрсатганимизда, шифокор дори берди-да, гўдакнинг танаси дорини ҳазм қиласунча, унга сут тутмасликни тайинлади.

Гўдак оғзига олмасин учун, она кўкракларига ач-чик қалхам суркаб қўйди. Бола танаси дорини ўзлаштириб бўлгач, она кўкрагини ювиги ташлаб, сўнгра унга тутди. Она ўз боласига меҳри туфайли шундай йўл тутди.

Худди шу зарбулмасалдаги она каби, одамларнинг хатосини тузатмоқ ва уларни ўз “мен”ига тобеъликдан қутқазмоқ учун, Буддо “мен” йўқ деб таълим беради. Илло қачонки у одамларнинг хатосини тузатгач, Буддо моҳияти бор деб таълим бера бошлайди.

“Мен” гумроҳликка, Буддо моҳияти эса дили равшанликка әлтади.

Худди шу каби, уйи ичидаги қутида олтин қўмилганини билмай, қашшоқликда яшаётган аёлга раҳм айлаб, кимдир олтинни ковлаб чиқариб, унга бергандек, Буддо моҳиятини инсонда намойиш қилиб, уни бошқаларга кўрсатади.

2. У ҳолда, Буддо моҳиятига молик бўла туриб, одамлар нега ахир баланд-пастга, бой камбагалга бўлинадилар? Нега ахир бир-бирини ўлдирадилар, алдайди ва бошқа ёмон ишларни қиласилар?

Бир сарой паҳлавони бўлган экан. Кунларнинг бирида у манглайини безаб турган тақинчоқни ечмай, курашга тушибди. Манглайига текка зарбдан олмос қаншарига, тери орасига кириб қолади ва бу жойда

гурра ҳосил бўлади. Паҳлавон олмосни йўқолди деб ўйлайди. Фуррасини даволатиш учун, табибга мурожаат қилди. Табиб бир қарашдаёқ билдики, гурра олмоснинг тери ичига чуқур ботишидан ҳосил бўлган. Табиб уни чиқариб, паҳлавонга кўрсатди.

Худди шу каби, Буддо моҳияти ҳам одамлар ичida, дунёвий эҳтирослар губорининг қалин қатлами остида, шунинг учун уни пайқамайдилар. Одамларнинг кўзига уни устоз кўрсатади.

Холбуки, Буддо моҳиятига эга бўлганлари ҳолда одамлар, баджаҳл ва нодонлиги туфайли унинг борлигига шубҳаланишади.

Аъмоллари ва шунга яраша кўргуликлари уларни гумроҳликка гирифтор қиласиди. Илло Буддо моҳияти йўқолмайди ҳам, емирилмайди ҳам. Гумроҳлик бартарф бўлган чогда, у яна ёрқин юлдуздай намоён бўлади.

Зарбулмасалда паҳлавон ўзининг қимматбаҳо олмосини табиб туфайли топиб олгандек, одамлар ҳам Буддо моҳиятини Буддо чароги туфайли топадилар.

3. Гарчи сигирлар ола, оқ, қора ва бошқа тусда бўлса ҳам, ҳаммаси бирдай оқ сут беради. Шу каби одамлар ҳам гарчи улар турли шароитда яшаб, тур-

лича турмуш тарзи юргизсалар-да ва аъмоллари учун турлича жазо олсалар-да, Буддо моҳияти ҳаммасида бир хилдадир.

Масалан, Ҳимолай тогларида қимматбаҳо доривор гиёҳ бор, бироқ у қалин чангальзор ичидаги энг пастда ўсади, шунинг учун одамлар уни топа олмайдилар. Қадимда бир донишманнандоривор гиёҳни хидидан тоғади, тунука идиш ясаб, унга дори түплайди. Лекин донишманнандинг ўлимидан сўнг дори унуглиб тоғларда қолиб кетади, айниди ва тўзиб кетади. Унинг таъми бузилади.

Ушбу зарбулмасалдаги каби, Буддо моҳияти дунёвий эҳтиросларнинг қалин чангальзорида, ичкарида яширин ва уни одамларнинг топмоги душвор эди. Мана эндилиқда Буддо бу чангальзорни очди ва ўз моҳиятини одамларга кўрсатди. Буддо моҳияти ўз лаззатида барқарор, аммо дунёвий эҳтирослар туфайли унинг таъми ҳар кимга ҳар хил туюлади ва зеро, одамлар ҳар хил яшайдилар.

4. Буддо моҳияти ҳам олмос каби қаттиқ, шунинг учун уни бузишнинг иложи йўқ. Қум донаси ёки тошни ёриб тешик очса бўладики, олмосни тешиб бўлмайди.

Дили равшанлик уруглари

Тана билан дилни йўлдан уриш мумкин бўлса ҳам,  
Буддо моҳиятини бузиш мумкин эмас.

Буддо моҳияти — инсоннинг энг яхши сифатидир. Одамлар эркакни аёлдан афзал, аёлни эркақдан тубан деб ҳисоблайдилар, лекин Буддо таълимоти бўйича эркак билан аёл ўртасида ҳеч қандай тафовут йўқ. У фақат Буддо моҳиятига етишни таълим беради.

Агар тозаланмаган олтинни эритсак, ундан чиқиндиларни чиқариб ташласак, соғ олтин оламиз. Агар инсон дилидаги тозаланмаган олтин эритилса ва дунёвий эҳтирослар кўринишидаги чиқиндилар олиб ташланса, ҳар қандай кимсада бир хилдаги Буддо моҳияти ошкор бўлади.

## 4-БОБ ДУНЁВИЙ ЭХТИРОСЛАР

### 1. ДИЛНИНГ МУРДОРЛИГИ

1. Инсон дилидаги Буддо мохиятини икки турли дунёвий эҳтирослар — ақлий эҳтирос ва хиссий эҳтирос кўмиб туради.

Барча дунёвий эҳтиросларни икки турга бўлиш мумкин, уларнинг асосий манбаъи эса хурофот ва очкўзликдан иборат.

Ҳар қандай эҳтиросни хурофот ва очкўзлик тутгидиради. Улар барча эҳтиросларнинг манбаъидир.

Хурофот — бу жаҳолат, ҳақиқатни англамаслик. Очкўзлик — бу кучли истак, ҳаётга кўнгил қўйишнинг манбаъи. Бу — кўз кўрган, қулоқ эшитган ҳамма нарсага эга бўлиш истаги. Бу шундай истакки, у ўлим истаги даражасига етади.

Хурофот ва очкўзликдан ташнаи зорлик, қаҳр, нодонлик, нотўғри мулохаза, озор, тобеълик, тилёгламалик, алдов, манманлик, бепарволик, бачканалик ва бошқа шу каби дунёвий эҳтирослар тугилади.

2. Инсон ўзига ёққан нарсани кўриб, истагини қондиргани чакки фикр билан заҳарланганда, ташнаи зорлик пайдо бўлади. Инсон ўзига ёққан нарсани кўриб, иродасига бўйсундиргани чакки фикр билан заҳарланганда, қаҳр ҳосил бўлади. Нодонлик — инсон ўз жоҳиллиги туфайли нима қилишу нима қиласлиги кераклигини билмаслигидан иборат. Нотўгри мулоҳаза нотўгри таълимот таъсири остида нотўгри фикрлап демакдир.

Ташналик, қаҳр ва нодонликни бу дунёнинг уч огайни олови дерлар. Эс-хушини йўқотган ва ўз истакларига эрк берган инсонни ташналик олови куйдиради. Аччиқланган ва тирик жонзотларнинг жонига қасд қилган инсонни қаҳр олови куйдиради. Йўлдан озган ва Буддо таълимотини билмайдиган инсонни нодонлик олови куйдиради.

Аслида, бу дунёда турли-туман оловлар ёнмоқда. Ташналик олови, қаҳр олови, нодонлик олови ёнмоқда, яшаш олови, қариш, касаллик, ўлим шунингдек, вахима, қайгу, изтироб, машаққат ва бошқа қўплаб оловлар ёнмоқда. Дунёвий эҳтиросларнинг бу олови гумроҳларнигина куйдириб қолмай, бошқаларга ҳам азоб беради ва ярамас жисмоний, забоний ва дил қиласлиларини келтириб чиқаради. Бундан ташқари, ушбу оловлардан ҳосил бўлган яра-

лардан чиққан фасод кишиларни ҳам захарлайди ва уларни ёвузлик күйига солади.

3. Таңнаи зорлик ўзини қондириш туйгусидан туғилади, қаҳр — норизолик туйгусидан, нодонлик — мурдор ўйлардан туғилади. Таңналиктай үзиге катта гуноҳ бўлмаса ҳам, ундан халос бўлиш осон эмас. Қаҳр ўзича катта гуноҳ бўлса ҳам, ундан жўнгина халос бўлиш мумкин. Нодонлик бўлса гуноҳи азимдир ва ундан халос бўлиш душвор.

Демак, одамлар үзига ёкқан нарсани кўриб ёхуд эшитиб, тўғри фикрлаш, ёқмаган нарсани кўриб, үзига сабр тилаши ва ҳамиша жўяли фикрлаши керак, бу билан бояги уч оловни ўчиради. Агар одамлар ростгўй, покиза ва бегараз дилли бўлсалар, дунёвий эхтирослар улардан нари бўлади.

4. Таңнаи зорлик, қаҳр ва нодонлик беморнинг иситмасига ўхшайди. Ҳар қандай одам, агар унинг иситмаси ошса, ҳар қанча чиройли ва катта хонада ётса ҳам, алаҳисирайди ва ёмон ухлайди.

Бу уч дунёвий эхтиросдан озод одам, ҳатто киши кечасида дагал хазон япроқлари устида ётса ҳам, ши-

## Дунёвий эхтирослар

рин ва хотиржам ухлайди. Иссиқ ва дам ёз кечасида, тор ва бесаранжом хонада ҳам ширин ухлайди.

Мазкур уч дунёвий эхтирос бу оламда ғам-гусса ва изтиробларнинг асосий сабабчисидир. Бу ғам-гусса ва изтиробларни факат эхтиёткорлик, дил билан ақл уйғунылиги тұхтатади. Эхтиёткорлик ташнаи зорлық мурдорлигидан тозалайди. Дилниинг түгри мароми қаҳр маразидан, заковат нодонлик иллатидан тозалайди.

5. Инсон истаги чегара билмайди. Бу шұр сув ичиб, ташналиги қондира олмаётган одамга үхшайди. Қанча сув ичмасин, у қонмайды, ҳатто, аксинча, ташналиги ортаверади.

Инсон ўз истакларини қондирисшы интилади, аммо унда қониқмаслик ҳисси тобора кучаяди ва асабийлаша бошлайди.

Инсон ўз истакларини қондира олмайди. Муроди ҳосил бўлмагач, у изтироб чекади. Муродига етмагач, у ақлдан озаёзади.

Одамлар харислик туфайли бир-бири билан талашиб-тортишадилар, харислик туфайли бир-бири билан уришадилар. Харисликдан қўр бўлган шохлар,

амирлар, оталар ва болалар, ака-укалар, опасингиллар, дўстлар уришиб, бир-бирини ўлдирадилар.

Очкўзлик туфайли инсон, шунингдек, тўгри йўлдан озади, ўғирлик, риёкорлик ва бевафолик қиласланади. Баъзида жиноятга қўл уриб, жазога тортилади ва азоб чекади.

Бундан ташқари, очкўзлик туфайли у жисмоний, забоний ва дилдан гуноҳ қиласланади. Бу дунёда азоб чекади, ўлимдан сўнг эса, у дунёда зулмат оламига тушади ва у ерда турли қийноқларга солинади.

6. Очкўзлик — дунёвий эхтирослар ичида энг бошқисидир, қолган барча иштиёқлар унга бўйсунади.

Очкўзлик намхуш тупроқ кабидир, ундан дунёвий эхтирослар униб чиқади. У турли-туман дунёвий эхтиросларни тугдиради. Очкўзлик — эзгуликхўр ялмогиздир. У ҳар қандай эзгуликнинг ёстигини қўритади.

Очкўзлик — гул соясига яширган илон. Истак гулига текка ҳар қандай кишини у чақиб ўлдиради. Очкўзлик гул — чечакни чирмаб бўгувчи-зар печак. У инсон дилини бўғиб, ундаги бутун эзгулик шарбатини сўриб олади. Очкўзлик — бу иблис ташлаган. У териб еганни иблис йўлига тортиб кетади.

Агар оч итга обдон қон суркалган қургок суюк ташланса, очкўзлик билан унга ташланади, аммо гажий-гажий фақат чарчайди қийналади. Худди шу каби очкўзлик инсон дилини тўйдира олмайди.

Йиртқичлар бир парча гўшт учун уришиб бирбирини гажийди. Шамолга қарши қўлида машъал ушлаб бораётган нодон одам унинг алангасидан ўзи куйибкетади. Йиртқичлар ёхуд мазкур нодон одам каби, одамлар очкўзлик туфайли ўзини қийнайдилар ёхуд ўзини куйдирадилар.

7. Ташқаридан учиб келган заҳарли ёй ўқидан сақланса бўлади, аммо агар у ичдан учган бўлса, химояланиш имконсиз. Очкўзлик, қаҳр, нодонлик ва буларнинг омухтасини турли касалликларни қўзговчи тўрт заҳарли ўққа мумкин.

Дилда ташнаи зорлик, қаҳр ва нодонлик бор экан, инсон тили алдайди, кўп ортиқча валдираиди, гийбат ва мунофиқлик қиласди, жисми эса тирикларни ўлдиради, ўғирлайди ва фохишабозликка берилади.

Дилнинг уч ёвуэлиги, тилнинг тўрт ёвуэлиги ва жисмнинг уч ёвуэлигини ўн ёвуэлик дейдилар.

Агар киши онгли равиштджа ёлгон сўзласа, у ҳар қандай ёвузликни қилиши мумкин. Яъни ярамас ишлар қилиб, ёлгон гапиришга мажбур бўлади. Зоро, ёлгон гапирав экан, у бемалол ёвузлик қила олади.

Очкўзлик, ташнаи зорлик, қўркув ва қаҳр нодонликдан келиб чиқади. Батсизлик ва бало-офат ҳам нодонликдан келиб чиқади. Нодонликдан ҳақиқатан бу дунёда бошкни юкумли мараздир.

8. Дунёвий эхтирослар туфайли инсон ярамаса аъмоллар қиласди. Ярамас аъмоллари туфайли у азият тортади. Дунёвий эхтирослар, ярамас аъмоллар ва азият — бу нихоясиз айланувчи уч гилдиракдир.

Бу гилдираклар айланишининг аввали ҳам, охири ҳам йўқ. Инсон бу гилдираш доирасидан чиқа билмайди. Доира ичida айланар экан, у қайта тугилади, бу оламдан бошқа оламга ўтади, у ердан эса учинчи оламга, унинг қайта тугилиши нихоясиз давом этади.

Бу абадий гилдираш доираси ичидаги ўлимлардан сўнг куйдирилган суюкларни башарти бир жойга йиққундай бўлса, улар ҳар қандай тогдан юксакроқ бўлур эди. Бу давр ичida у она кўксидан сўрган сутни йиққанда эса, ҳар қандай дентиздан каттароқ бўлур эди.

Бинобарин, инсонда Буддо моҳияти бўлса ҳам, у дунёвий эҳтиросларнинг ҳаддан зиёд қўалин қатлами билан қопланган, унинг остидан ўзини ошкор қила олмайди. Гарчи инсонда ошкора кўринмайдиган Буддо моҳияти бўлса ҳам, одамларга у йўқдай кўринади, шунинг учун уларнинг гумроҳлиги ниҳоясиздир.

## 2. ИНСОН ТАБИАТИ

1. Инсоннинг табиатини билиб етмоқ душвор. У мисли қамишзорки, унга кирап жой маълум эмас. Инсондан фарқли ўлароқ, йиртқичларнинг феълатвори тушунарлироқ. Одамларни феъ-атворига кўра 4 тоифага ажратиш мумкин.

Биринчи тоифа — азият тортувчи кишилар. Нотўғри таълимотга эргашиб, ўзини жисмоний азобга қўядилар.

Иккинчи тоифа — бошқаларга азият етказувчи кишилар. Улар тирик жонзотларни ўлдирадилар, ўғирлайди ва бошқа кўп ёмон аъмолларни қиласидилар.

Учинчи тоифа — ўз азобланувчи ва бошқаларга ҳам азоб етказувчи кишилар.

Тўртингчи тоифа — ўзи азобланмайдиган ва бошқаларга ҳам азоб етказмайдиган кишилар. Улар орзу-ҳаваслардан холи, тинчлик ва осойишталикада яшайдилар. Буддо таълимоти изидан бориб, тирик

жонзотларни ўлдирмайди, ўғирлик құлмайды ва әзгу аъмолларни амалга оширадилар.

2. Бундан ташқари, бұу дунёда уч турдаги одам бор: тошға чекилған хатта ўхшаш одамлар, құмга ёзилған хатта ўхшаш одамлар ва сувға ёзилған хатта ўхшаш одамлар.

Тошға чекилған хатта ўхшаш одамлар дамо-дам қаҳрланиб турадилар, улар қаҳри узоқ давом этади ва тошға чекилған хат учмаганидек, учеб кетмайди.

Құмга ёзилған хатта ўхшаш одамлар дамо-дам қаҳрланадилар, бироқ улар қаҳри, құмга ёзилған хат тезда учеб кетганидек тезда учади.

Сувға ёзилған хатта ўхшаш одамлар, сувға ёзилған хат дархол ёзилиб кетганидек, кенінг феълли бўладилар: бошқаларни гийбат құлмайди, ярамас гапларни эшитганида, унга сира аҳамият бермайди, улар дилида ҳамиша тинчлик ва осойишталик хукм суради.

Яна уч турдаги одамлар бор: биринчи туртабиатига кўра оддий кишилар, улар осон қўзголувчан, енгилтак ва беқарор бўладилар. Бошқа турдаги одамлар мураккаб феъл-авторли бўладилар, улар ўзининг барча дунёвий эхтирослари илдизини қўриттганлар.

Демак, дунёда ҳар хил одамлар кўп, ҳар бирининг феъл-авторини тушуниш ҳам душвор. Фақат Буддо улар табиатини била олади ва ҳар бирини феъл-авторига яраша ўқита олади.

### 3. ИНСОН ТУРМУШИ

1. Инсон турмуши ҳақида бир зарбулмасал бор. Бир киши дарё оқими бўйлаб сузид бораётган эди. Қирғоқдан унга бирор қичқиради: “Сен пастга шодон сузид кетаяпсан. Илло, яхшиси, йўлингдан қайт. Пастда сени кучли тўлқинлар кутяпти, гирдоблар бор, у ерда тимсоҳ ва ёвуз иблислар яшайди. Муқаррар ҳалок бўласан.”

Бу ўринда дарё деганда, ўйин-кулги билан ўтувчи ҳаёт кўзда тутиляпти. “Дарё оқими бўйлаб шодон сузиш” — ўз-ўзига қарамликни билдиради. “Кучли тўлқинлар” — қаҳр ва машаққатларга тўла ҳаёт. “Гирдоблар” — бу роҳатланиш. “Тимсоҳ ва ёвуз иблислар яшовчи ўпқонлар” — гуноҳлар юкидан ийқилиш. “Қирғоқдаги одам” — Буддо.

Яна бир зарбулмасални тинглаб кўринг. Бир киши жиноят қилди-да, қочди. Унинг орқасидан изқуварларни жўнатиши, улар жиноятчини қувиб етдилар ва барча чекиниш йўлларини кесиб қўйишиди. Тузоққа тушган қочоқ туйқус оёғи остида

ташландик құдуқни күриб қолди. Чувалган узум новдасига осилиб пастта туша бошлайди. Бирок пастда уни оғзини очиб заһарланған илон кутиб туарар зди. У тұхтаб, құдуқ үртасида осилганича туриб қолди. Новдани қаттиқ туттан құллари тездә увишди. Боз устига, қора ва оқ икки сичқон пайдо бўлди ва новдани қирчий бошлади.

Новда қирчилганда, қочоқ илоннинг оғзига қулади. У калласини күтариб здики, асалари уясидан унинг оғзига бир неча қатра ширин асал томди. У хатар комида эканинг унутиб, лаззатланиб тамшана бошлади.

Бу зарбулмасалдаги “бир” тугилувчан ва сұнгра ўлувчан инсоннинг гарibiliгини англатади. “Изқұварлар” ва “захарли илон” — турли истакларнинг манбаъи бўлган тана. “Ташландик құдуқдаги новда” инсон турмушини билдиради. “Қора ва оқ икки сичқон” — бу давр. “Асал қатралари” билан ҳаёт лаззатлари англашилади.

2. Яна бир зарбулмасални эшитиб кўринг. Шоҳ тўрт захарли илонни қутига солади-да, бир кишига уларни авайлаб парваришлашни буюради. Айни чогда, агар биронта илонни хафа қилгундай бўлса, калласини олишга буюражагини огохлантиради. Бун-

дай буйруқдан ҳалиги киши құрқиб кетади, илонлар билан қутини ташлайди ва қочади. Буйруқдан ҳалиги киши құрқиб кетади, илонлар билан қутини ташлайди ва қочади. Буни билган шоҳ унинг орқасидан беш мулозимини юборади. Мулозимлар қочоқни алдов билан олиб кетмоқчы бўладилар. Аммо у алдовга учмайди ва нари қочади. Бир қишлоққача қочиб бориб, ўзига паноҳ излай бошлайди.

Шу пайт осмондан овоз келиб, бу қишлоқда хеч ким яшамаслигини ва кечаси унга олти қароқчи келишини хабар қиласади. Құрқиб кетган қочоқ қишлоқни ташлайди ва нари қочади. Олдиdan жўшқин дарё чиқиб қолади. Дарёдан ўтиши жуда мушкул. Лекин ўзини бу қиргоқда ўзини хатар остида чоғлаб, сол ясайди, унда катта қийинчилек билан нариги қиргоққа сузиб ўтади, Бу ерда у ўзини илк бор бехатар хис этади.

Бу ерда “тўрт заҳарли илон солинган қути” тўрт хил унсурдан: тупроқ, сув, ўт ва елдан таркиб топган инсон жисмини билдиради. Тана — истаклар манбаъи, дил душмандир. Шунинг учун инсон ундан қочди. “Беш мулозим қочоқни алдамоқчи бўлди” — инсон танаси билан дили таркиб топган беш унсурдир.

“Паноҳ” — инсоннинг олти сезги аъзоси. “Олти қароқчи” бўлса, олти сезги аъзосининг манзили.

Қарасақи, барча сезги аъзолари хавфу хатар сари элтмоқда, қочоқ тагин қочади. Йўлини тўсган “жўшқин дарё”да дунёвий иштиёқлар алангаси қўйнидаги ҳаёт фараз этилади.

“Сол” — Буддо таълимоти билан қочоқ дунёвий эҳтиросларнинг даҳшатли ва чуқур дарёсидан нариги қирғоққа ўтади ва у ерда тинчлик-осойишталик топади.

3. Оlamда уч турли вазият бўладики, у чогда она ўз боласини, бола ўз онасини қутқаза олмайди. Катта ёнгин чогида, катта сув тошқини чогида ва йирик талон-тарож чогида. Хатто шундай вазиятда ҳам она ва бола бир бирига мадад бера олади.

Илло уч бошқа ҳодисот борки, у чогда она ўз боласини, бола ўз онасини мутлақо қутқаза олмайди. Булар қарилик қарписида қўрқув ҳодисаси, касаллик, ўлим қарписида қўрқув ҳодисасидир.

Онасининг қариётганини кўра туриб бола уни ўзи билан алмаштира оладими? Қасал боласи устида йиглаб-сиқтаб она ўзини боласи ўрнига қўя оладими? Бола ўлар экан ёхуд она ўлар экан, она-бола бўлса ҳам, улар бир-бирининг ўрнига ўзини қўя олмайди.

Она билан бола бир-бирини нечогли яхши күрса ҳам, мазкур ҳолларда бир-бирига ёрдам бера олмайди.

4. Ёвуз одам бу дунёда күп ёвуз ишларни қилиб, ўлимдан сўнг дўзахга қулайди. Дўзах хукмдори Эмма сўрайди: “Одамзот оламида бўлган чоингда сен уч фариштани учратмадингми?” “Йўқ, фаришталарни учратмадим.”

“Йўқса, асога таяниб аранг бораётган қадди дол чолларни учратмадингми? “ “Бу хил чолларни жуда күп кўрдим.” “Ўша фаришталарни учратганда, сени ҳам кексалик кутаётганини тушунмадингми, хайрли аъмоллар қилиб қолмоқ кераклигини фахмламадингми? Шулар учун ҳозир сен жазога тортилиб турибсан.”

“Тўшакка михланиб қолган ва қараганда раҳминг келар даражада озиб кетган касалларни кўрмадингми? “ Бундай касалларни жуда күп кўрдим.” “Касалванд фаришталарни кўриб, сени ҳам касалликлар кутаётганини тушунмадингми? Шунинг учун ҳам сен дўзахга жўнатилибсан.”

“Йўқса, сен кўз ўнгингда улаётган кишиларни кўрмадингми?” “Улаётганларни жуда күп кўрдим.”

“Барчани ўлим кутади деб таълим берган фаришталарни учратиб, сен ҳам қачондир ўлишга маҳкум эканингни тушунмадингми ва хайрли аъмолларга уннамадингми? Шунинг учун сенга шундай жазолар

берилаётир. Аъмолларинг учун сен ўзинг жавоб берасан.

5. Кисатогамада бир бадавлат кишига қарашли келиннинг хали нораста ёлгиз ўғли ўлди. Мусибатдан ларзага келган ёш она ақлдан озди. Боласининг совуқ жасадини кўксига маҳкам босиб, жонажон ўғлини тузатиб бергудай одамни ахтариб кетди.

Унга ҳеч ким ёрдам бера олмади, ҳамманинг унга раҳми келди, холос. Ҳазрати пирнинг бир шогирди раҳм қилиб, Жетаванага устози даргоҳига боришни маслаҳат берди. Ёш она боласини олиб ҳазратнинг олдига чопди.

Ҳазрат заифга диққат билан қараб деди: “Эй аёл, боланг-тузатмоқ учун, лола уруги керак. Шаҳарга бор-да, биронтасидан 4-5 дона уруг сўраб кўр. Илло ул лола ургулари хали-ҳозиргача ҳеч ким ўлмаган уйдан бўлсин.”

Мусибатдан савдои бўлган она лола уруги учун шаҳарга жўнади. У лолани дарҳол топди, аммо ҳозирча ҳеч ким ўлмаган уйни асти топа олмади. Нихоят, зарур лола уругини топа олмай, Буддо даргоҳига қайтди. Ҳазратнинг хомуш ва батамом осойиш ўтирганини кўриб, унинг сўзи нени билдиришини илк дафъя тушунди. Аёл дарҳол ўзига келди ва дево-

Дунёвий эҳтирослар

налиги тарқалди. Боласининг совуқ жасадини кўмиб, Ҳазратнинг қошига қайтди ва унга шогирд бўлди.

#### 4. ИНСОННИНГ ҲАҚҚОНИЙ ТУРМУШИ

1. Бу дунёда одамлар бир-бирига беписанд ва бир-бирини ёқтирмайдилар. Арзимаган нарса туфайли бир-бири биланжанжаллашиб дому ҳасратда яшайдилар, ҳаётлари нуқул баҳтсизлик ва аламдан иборат.

Мартаба ва мол-мулкидан қатъий назар, фақат пул ҳақида ўйлаб алам тортадилар. Бирлари пули йўқлигидан алам тортса, бошқалари пули борлигидан алам тортадилар. Фақат ўз истакларини қондириш гамида бўладилар-да, бир дам тиним билмайдилар.

Бойлар, агар полизи бўлса, полизи, уйи бўлса, уйи ташвишида бўлади. Нимаси бўлса, ўша хусусида, нимага кўнгил боғлаган бўлса, ўша устида ташвишланади. Офатта учраб, қийинчиликка дуч келиб ёхуд ёнгин туфайли кўрган талофати учун алам тортади ва ҳатто ўз жонига қасд қиласди. Ваҳоланки, ўлим йўлида бир ўзи кетади, ҳеч ким унга ҳамроҳлик қилмайди.

Қашшоқлар ҳеч нарсани йўқлигидан азият чекади. Улар уйи, полизи бўлишини хоҳлайди. Истак олови-

да куйиб, жисмонан ва дилдан чарчайди. Натижада, берилган умрни яшай олмайди ва ажалидан беш кун бурун ўлади. Уларга дунёдаги ҳар кимса ва ҳар нарса душмандай туюлади. Бас, узундан-узун ўлим йўлига бир ўзи жўнашга мажбур.

2. Бу дунёда беш иллат бор. Биринчидан, ҳаммаси — инсондан то ер узра ўрмаловчи илонгача доимий душманликда яшайди. Кучлдилар нимжонларни эzáди, нимжонлар бўлса кучлиларни алдайди. Улар ўзаро хусумат қиласади, бир-бирига ҳамиша ранжу алам етказади.

Иккинчидан, ота-она ва болалар, ака-ука ва опасингиллар, эру хотин, қариндош ва кўнгил яқинлар-улар ҳаммаси ўз хусусий тамойилларига эга эмаслар, қатқий амал қиласадиган мустаҳкам қоидаларга молик эмаслар. Улар фақат ўз ғамини ейди ва ўз истаклари ни ўйлайдилар. Уларнинг ўз ҳақиқати йўқ. Бир-бирини алдайди, уларнинг сўзи бошқаю иши бошқа.

Учинчидан, ҳамманинг ёмон нияти бор, жисмоний майллар билан яшайди. Эркаклар ҳам, аёллар ҳам ўзига юклангандан вазифани бажармайдилар. Натижада, гурухларга бўлиниб, бир-бири билан қирчишади, жинояткорлик қиласадилар.

Тўртингидан, ҳеч ким хайрли ишлар қилишини ўйламайди. Ҳамм бир-бирига ёмонликда намуна бўлиб, ярамас аъмоллар қиласди, ёлғон гапиради, кераксиз кўп вайсайди, гийбат ва икки юзламачилик қиласди, бир-бирини ҳақоратлайди. Бир-бирини ҳурматламайди, ҳар ким ўзини дунёдаги энг зарур одам деб ҳисоблайди, бошқани таҳқирлаб, ҳатто виждан азобини билмайди.

Бешингидан, ҳамма одамлар танбал, кори хайрни билмайди. Уларда шукроналиқ ҳиси йўқ. Фақат ўз истаклари корида юради, бошқалар бошига кулфат солади ва охир-оқибат оғир жиноятлар қиласди.

3. Одамлар бир-бирини ҳурматлаши ва бир-бирига ёрдам бериши лозим. Бунинг ўрнига, улар ўзининг арзимас шахсий манфаати орқасида бир-бирини кўра олмайди. Боз устига, билмайдиларки, кичкина жанжал вақти билан катта жанжалга ва пинҳоний хусуматга олиб келиши мумкин.

Хусумат, гарчи ҳар икки томонга зиён етказса ҳам, бирдан фалокатта олиб келмайди. Илло у дилни заҳарлайди, одамни аччиқлантиради ва дилни бузади. Мана шу туфайли қайта тугилиш тақорорланганда, одамлар бир-бирини ҳақорат қиласди, бир-бирига бўхтон ёғдиради ва душманлашади.

Очкўзлик ва эҳтирослар оламида инсон бир ўзи тугилиб, бир ўзи ўлади. Қилган аъмоллари учун бериладиган жазони келажакда унинг ўрнига ҳеч ким тортмайди, ўзи тортишга мустахих.

Яхшилик ва ёмонлик ҳар хил яралади. Инсон яхшилик учун кулфат тортади. Бу — рад этиб бўлмас ҳақиқат. Боз устига, ҳар ким аъмолига яраша текканини олади.

4. Истак, одат ва оғриқ-аччиқлар билан аттиқ боғланган кишилар замон ўтиши билан умидсизликка учрайдилар. Чуқур умидсизликда ўз очкўзлигини қондиришга тушадилар, хит бўлиб телбалик қиласди, бир-бири билагн жанжаллашади, тўгри йўлга туша олмайди, муддатидан бурун ўлади ва абадий азобланишга мустахик.

Кишиларнинг бундай турмуши табиат қонунларига жавоб бермайди, кўк ва ер қонунларига жавоб бермайди. У муқаррар равишда фалокат чақиради ва одамлар бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам азоб чекишга мажбур.

Аслида, бу дунёда ҳамма нарса жуда тез ўтади ва ўзгаради, барқарор ҳеч нарса йўқ, ишончли ҳеч нарса йўқ. Фоят аянчлики, бундай шароитда ҳамма фақат кўнгил очишга берилади.

5. Мазкур дунёнинг асил манзааси — шу. Одамлар унда уқубат ила тугилиб, кори хайр ҳақида ҳеч нарса билмай, фақат ёвузлик қиласидилар. Зоро, бу дунё қонунларига мувофиқ жазо тариқасида яна-да каттароқ азобга дучор бўладилар.

Одамлар фақат ўз гамини еб, бошқаларга ёрдамлашмайди. Улар ўз истакларига эрк беради, әхтиросларини аланглатади ва азобланади, жазосига эса яна-да каттароқ азоб оладилар.

Гуллаб-яшнаш фасли узок давом этмайди, тездаёқ ўтиб кетади. Кайфу сафо ҳам тезда ўтиб кетади.

6. Шунинг учун инсон дунёвий ишларни тўхтатиши ва ҳали сог экан, тўгри йўлга тушиши ва ўзига агадий ҳаёт тиламоги лозим. Тўгри йўлдан кўра яхшироқ ва кўнгиллироқ нима бор?

Аммо одамлар эзгулик хайрли ишлар қилишига, тўгри ишлар тўгри йўл сари бошлашига ишонмайдилар. Яна билмайдиларки, ўлимдан сўнг одам қайта тугилади. Бошқаларга ёрдам бериш баҳт келтиришига ишонмайдилар. Эзгулик ва ёвузликка дахлдор нарсаларга асти ишонмайдилар.

Одамлар хато қиласиди, тўгри таълимотни билмайди, эзгуликни билмайдилар. Уларнинг дилида хурофот ҳукмрон, улар қонунларни билмайдилар, ҳолбуки, омад ва омадсизлик, баҳт ва баҳтсизлик қонун орқали юзага чиқади. Ҳозир қайхилда яшаётган бўлса, фақат шунга қайгуриб йиглайдилар.

Бари ўтади ва ўзгаради, яъни дунёда барқарор ҳеч нарса йўқ. Одамлар фақат шунигина биладиларди-да, шунга қайгуриб изтироб чекадилар. Улар тўгри таълимотга қулоқ осмайдилар, чуқур ўйлаб кўрмайдилар. Кўлга киритиш ўнгай бўлган кўнгилхушликка берилади-лар, холос. Уларнинг бойлик борасидаги истаклари ва жисмоний майлларига чеку чегара йўқ.

7. Қадим замонлардан бўён одамлар гумроҳлик оламида яшайдилар, абадий вахима ва чуқур изтиробда яшайдилар. Ҳатто ҳозир ҳам бу гумроҳлик давом этмоқда, қандай яхшики, эндиликда Буддо таълимотини таниш, Унга эътиқод қўйиш имкониятига эга бўлдилар.

Улар чуқур ўйлаб кўриши, ёвузлиқдан узилиши, эзгуликни танлаб ва Буддо таълимотига эргапиши лозим.

Яхшики, ҳозир ҳамма Буддо таълимотини таниш имконига эгадир, демак, ҳамма унга ихлос қўймоги ва Буддо оламида туғилишни истамоги зарур. Буддо таълимоти билан танишгач, бошқаларга таассуб қилиб дунёвий эҳтирослар ҳукмига юриш ва гуноҳ қилиш мумкин эмас.Faқат бир ўзини қутқазмокни истабгина қолмай, бу таълимотни тарғиб қилиб, бошқа одамларнинг ҳам халос бўлишини ўйлаш керак.

## 5-БОБ БУДДОНИНГ ХАЛОСКОРЛИГИ

### 1. БУДДОНИНГ АҲДЛАРИ

1. Одамларнинг дунёвий эҳтирослардан халос бўлиши гоят душвор. Қадим замонлардан буён улар ярамас ишларни дариб сарсон-саргардондир. Шунинг учун ўзида Буддо моҳияти бўлса ҳам, уни рӯёбга чиқара олмайдилар.

Инсон табиатини яхши билгувчи Буддо ўша хотирга сигмас замонлардан буён будхисатва (дили равшанликка интилиш) га қарор қилди ва Олий меҳр-шафқат, ҳамдардлик билан тўлиб-тошиб одамларни қўрқув ва азоблардан соқит қилишга киришди. Бунинг учун у қўплаб аҳdlар берди ва зиммасига қандай оғир синовлар тушмасин, барча имкониятни сарфлашга онт ичди.

а) Ўзим Буддо бўлиб қолсам-да, илло агар менинг оламимда тугилувчилар Буддо бўла олмаса ва дили равшанликка эришмаса, менинг дилим равшан тортмайди.

б) Ўзим Буддо бўлиб қолсам-да, илло агар менинг оламим чекланиб қолса ва дунёнинг барча пучмоқлариғача етиб бормаса, мен равшан тортмайман.

в) Ўзим Буддо бўлиб қолсам-да, илло агар менинг умрим чекланиб қолса, йиллар билан ўлчанса, мен равшан тортмайман.

г) Ўзим Буддо бўлиб қолсам-да, илло агар оламнинг бутун ўн ўлкаси буддолари иссимини шарафламас экан, менинг дилим равшан тортмайди.

д) Ўзим Буддо бўлиб қолсам-да, илло агар оламнинг бутун ўн ўлкаси кишилари менинг таълимотимга сидқидилдан имон келтириб, менинг оламимда тугилмоқни истасалар-у, ўзича иссимини ўн бор такрорлаб, бунга эриша олмасалар, менинг дилим равшан тортмайди.

е) Ўзим Буддо бўлиб қолсам-да, илло агар менинг таълимотим изидан бормоққа қарор қилувчи оламнинг барча ўн ўлкаси кишилари кўп кори хайр қилиб, менинг оламимда тугилмоқни бажонудил хоҳлаб ўлсалар ва мен улар қошида ўн улуг будхисатванинг қуршовида ҳозир бўлмас эканман, дилим равшан тортмайди.

ж) Ўзим Буддо бўлиб қолсам-да, илло агар оламнинг барча ўн ўлкаси кишилари мендан хабар топиб, эзгулик уругини экса, менинг оламимни ҳавас қиласа, унда тугилмоқни астойдил истаса-ю, ва ле бунга эриша олмаса, дилим равшан тортмайди.

## Буддонинг халоскорлиги

з) Ўзим Буддо бўлиб қолсам-да, илло агар менинг оламимда қайта тугилган ҳар қандай киши Буддо бўла олмаса, бошқа кишиларни ўқита олмаса, уларни дили равшанликка, улуг ҳамдардликнинг марҳамати сари элта билмаса, менинг дилим равшан тортмайди.

и) Ўзим Буддо бўлиб қолсам-да, илло агар оламнинг барча ўн ўлкасининг нурим ила ёришган кишилари дилдан ва жисмонан осойиш топмаса ва ҳаммадан кўра яхшироқ бўлмоқ истаги билан ёнмасалар, менинг дилим равшан тортмайди.

к) Ўзим Буддо бўлиб қолсам-да, илло агар оламнинг барча ўн ўлкаси кишилари, мендан хабар топиб, ҳаёт ва мамот борасидаги ҳакиқатни чуқур билиб олмаса ва чуқур ақл-идрокка эга бўлмасалар, менинг дилим равшан тортмайди.

Мен ушбу аҳду паймонларни бераман. Агар менинг барча истакларим амалга ошмаса, дилим равшан тортмайди. Битмас-тутганмас нур манбаъи бўлиб бутун ўлкаларни ёритаман, одамларни гумроҳликдан сокит қиласман, одамлар учун таълимот омборини очаман ва ҳамма жойда кори хайрлар қиласман.

2. Мазкур аҳдларни бергач, Буддо узок вақт мобайнида беҳисоб кўп иноят кўрсатди, қадим-қадимииятдаёқ Буддо бўлиб ўзининг мусаффо оламини

яратди ва энди ўзининг Мусаффо оламида ўз таълимотини тарғиб қилаётир.

Бу Мусаффо оламда тозалик ва осойишталик ҳукмрон. Бу ерда гумроҳлик йўқ, фақат бир равшаникдан топилган ҳаловот бор. Ҳам либос, ҳам таомбарча гўзал воситалар бу олам аҳлининг хоҳиши билан муҳайё бўлади. Жавоҳирлардан иборат дарахтлар аро ёқимли саррин сабо ўтган чоғда, олийхиммат таълимотни тарғиб қилувчи овоз ҳавони тўлдиради ва барча сомеъларнинг дилини поклайди.

Бу оламда анвойи тусдаги муаттар нилуфарлар барқ уриб гуллайди. Ҳар бир гул баркашида сонсаноқсиз гулбарглар, уларнинг ҳар бири ўз рангида товланади. Ҳар бир ранг Буддо заковатидан сўзлайди ва барча сомеъларни тинчлик ва осойишталика тўла Буддо йўлига бошлайди.

3. Оламнинг бутун ўн ўлкаси буддолари мазкур Буддо марҳаматларини мадҳ этадилар.

Мазкур Буддодан хабар топган ҳар қандай киши хушҳоллик билан Унга ионса, Унинг оламида туғила олади.

## Буддонинг халоскорлиги

Кимки мазкур Буддо оламига етишса, у мангуликка молик бўлади, бошқаларни халос қилмоқ истаги билан ёнади ва ушбу олижаноб ишга ўзини бутунлай багишлайди.

Улар бу хил истак билан ёниб, тобеъликдан халос бўладилар ва инсоний турмуш уқубатини хис қиладилар. Ўз фойдасидан ташқари, бошқаларга ҳам наф етказувчи аъмоллар қила бошлайди, турмуш муаммо ва тобеъликларидан озод ҳолда бошқаларнинг умид ва ташвишларини баҳам кўрадилар.

Улар бу дунё азоб-уқубатларга тўла эканини биладилар. Яна биладиларки, Буддо меҳр-шафқати ва ҳамдардлигининг чеку чегараси йўқ. Уларнинг дилида ҳеч қандай тобеълик йўқ. Улар мутлақо озод. Хоҳлаган жойга боа олади, олдинга ва орқага юра олади, аммо Буддонинг меҳр-шафқати ва ҳамдардлиги қаратилган кишилар билан қолмокни аъло кўрадилар.

Зеро, Буддо ҳақида хабар топган ҳар қандай киши, бир бора бўлса ҳам қувонч ичра ўзича унинг исмини қайтарса, у Буддонинг дуойи хайрига сазовор бўлади. Барча кишилар Буддо таълимотига улоқ осиши ва, ҳатто агр у янгидан олов оғушидаги бу ҳаёт-мамот дунёсига етакласа-да, унинг изидан бориши лозим.

Агар киилар ҳақиқатан дили равшанликка етмоқни истасалар, улар мазкур Буддо кўмагига толпиниши керак. Буддонинг ёрдамисиз одатдаги кишига дили равшанлик насиб қилмайди.

4. Мазкур Буддо ҳозир биздан узоқда эмас. Унинг олами жуда узоқда бўлса ҳам, Буддо ўзи, ким у ҳақда ўйласа, унинг дилида яшайди.

Агар мазкур Буддони дилда тасаввур қилинса, у ҳисобсиз заррин нурлар билан порлайди ва 84 минг тимсолу кўринишда гавдаланади. Ҳар бир нур Буддо ҳақида ўйловчи кишини ёритади ва уни ҳеч қачон тарк этмайди.

Инсон Буддога боқиб унинг дилини кўради. Унинг дили наққина Олий раҳмдилликдан иборат. У фақат ўзига инонганларнингина эмас, илло унинг раҳмдиллигидан бехабарларни ёхуд уни унугланларни ҳам халос қиласди.

Буддо, кимки унга инонса, ўзи билан ваҳдати вужуд бўлмоққа имкон беради. Агар у ҳақда ўйланса, у ҳар бир кишининг дилига кириши мумкин, яъни у истаган мавжудотни қамрай олади.

## Буддонаинг халоскорлиги

Зеро, киши Буддо ҳақида ўйлаганда, унинг дили Буддо тимсоли ва кўринишига кира бошлайди, ва ниҳоят, Буддо бўлиб қолади.

Вижданли ва иймонли кишининг дили гўё Буддонаинг дилига айланади деб ўйлаш керак.

5. Буддо тимсоли кўп қиёфалидир. У ҳар бир кишининг қошида ўша кишининг билармонлигига яраша қиёфада намоён бўлади. Буддо ўзи билан бутун дунёни тўлдиради, унга адогу охир йўқ. Унга инсон ақли бовар қўлмайди. Уни коинотда ҳам, табиатда ҳам ва ҳар бир одамда қўриш мумкин.

Буддо исмини ўзича такрорлаган ҳар бир киши уни кўра олади. У икки будҳистава ҳамроҳлигига албаттта келади.

Буддо барча оламларда иштирок этади, илло кимки унга ионса, факат ўша уни кўра олади.

Ҳатто Буддонинг шартли тимсоли билан мулоқот ҳам кишига катта баҳт келтиради. Зеро, ҳақиқий Буддо билан мулоқот янада катта, чинакам ўлчовсиз саодат баҳш этади.

6. Мазкур Буддонинг дили Олий раҳм-шафқат ва ақл-заковатдан бошқа нарса эмас, зеро, Буддо ҳар бир кишини қутқаза олади.

Ўз нодонлиги туфайли оғир жиноятлар қилган киши: очкӯз, қаҳрли, ярамас фикрлар билан банд бўлган, лафзда субути йўқ, вайсаки, оғзи шалоқ ва икки юзламачи, қўли билан тирик жонзорларни ўлдирган, ўгри, енгилтак, яъни ўн иллатни юзага келтирган киши ўзининг ярмас аъмоллари учун келажакда абадий азобга маҳкум.

Бу хил киши ўлганда, унинг қошига бир яхши дўст келади ва дейди: “Сени азоб-уқубатлар кутади, ҳозир сен ҳатто Буддо ҳақида ўйлашга ҳам ҳозир эмассан. Ҳеч бўлмаса, унинг исмини ёд эт.”

Агар у, эс-хушини йигиб, Буддо исмини бир неча бор такороласа, шунда, ҳар сафар ундан оғир гуноҳ тўкилади ва у нихоясиз дунёвий янглишувлардан соқит бўлади.

## Буддонинг халоскорлиги

Агар у Буддо исмини такрорласа, у ҳолда зиммасидаги гуноҳ олинади ва у ниҳоясиз дунёвий янглишувлардан халос бўлади. Агар у тоза юракдан топингудай бўлса, яна ҳам яхши.

Буддога сигинувчи киши ҳақиқатан оқ нилюфар каби гўзалдир. Икки бодхистава — Мехр-шафқат ва Ақл-заковат кузатувчи бўлиб, уни тўғри йўлга солади ва Буддо оламида туғилмоққа олиб келади.

Шунинг учун барча кишилар “Буддога садоқат билан хизмат қиласман” мазмунидаги “Наму-Амида Буцу” сўзларини ёд олиши лозим. Бу сўзларни зикр этмоқ Буддо исмини ёд этмоқдир.

## 2. БАХТИЁР МАСКАН

1. Буддо ҳақиқатан бор ва ўз Дхармасини тарғиб қилмоқда. Унинг оламида яшовчи кишилар азоб нима билмайди ҳар бир кунни ҳаловатда ўтказадилар. Шунинг учун бу олам жаннат деб аталади.

Бу оламда қимматбаҳо тошлардан қилинган етти ҳовуз бор. Уларда тиник сув жимиirlайди. Ҳовузларнинг тубига олтин қумлар тўшалган. Сатҳида катта-катта нилуфарлар гуллаб ётади. Ҳаво ранг нилуфарлар ўзидан ҳаво ранг нур таратади, сарик нилуфар сариқ нур, қизил нилуфар қизил нур ва

оки нилуфар оки нур таратади. Улар ўз атрофига мусаффо ва ёқимли атири бўйлар тарқатади.

Ховузлар яқинида олтин, кумуш, ёқут ва биллурдан ясалган тўрт қаср туради. Улар ичида ҳовузга тушиладиган мармардан тикилган нарвонлар мавжуд. Ҳовузлар узра панжара ва уларда қандиллар осилган, устидан жавоҳирлар қадалган пардалар тутилган. Ҳовузлар атрофида нуқул хушбўй таратувчи дараҳт ва гуллар ўсади.

Осмондан илоҳий мусика қўйилади, ерни заррин нур ёритади. Бир кечаю қундузда кўқдан олти бора гул тўкилади. Одамлар бу гулларни саватларга теради, бошқа буддолар оламига элтиб, сон-саноқсиз буддollarга тарқатадилар.

2. Бу оламнинг bogларида оққуш, товус, тўтилар, жўр, булбулигё ва бошқа қушлар ширали овоз билан бетиним сайрайди. Улар эзгулик ва олийхимматни мадҳ этади, Буддо таълимотини тарғиб қиласи.

Одамлар сайроки қушларнинг ширали овозларини тинглаб, Буддога топинадилар, таълимот устидаги ўйлайди ва қавмлар тинчлик-тотувликда яшасин дея

Буддонинг халоскорлиги

ёлборадилар. Кимки қўшиқларни эшитса, у гўё Буддони тинглаётгандай бўлади, Буддога ихлоси мустаҳкамланади, дили қувончга тўлади ва бошқа оламларда яшаётган Буддо издошлари билан дўстликни янгилайди.

Кимматбахо тошлардан ясалган дараҳтларнинг бутоклари аро саррин эпкин эсиб, нурафшон қўнғироқчалар маржонига тегиб ўтган чогда, ҳар бир қўнғироқ ўз майлича тараннум эта бошлийди.

Одамлар бу тароналарни тинглаб, Буддога ибодат қила бошлийдилар, Буддо таълимоти устида ўйга толадилар, қавмлар тинчлик ва тотувлиқда яшасин дея муножот қиласидилар. Буддо олами бу хил иноят ва мислсиз гўзалликларга тўла.

3. Нега ушбу оламнинг Буддосини чексиз нур ва ниҳоясиз ҳаёт Буддоси дейдилар? Чунки Буддо нурини ўлчаш имконсиз. У дунёнинг ўн мамлакатидаги барча ўлкаларни ёритади ва шунда ҳам у битмас-туганмасдир. Унинг ҳаёти эса ниҳоясиз. Шунинг учун уни шундай дейдилар.

Кимки бу оламда туғилса, у гумроҳлик дунёсига қайтмайди. Бундайларнинг сонини санаб бўлмайди.

Буддо нури билан ёритилганлар — янги ҳаёт сари қўзголган кишиларнинг миқдори ҳам ўлчовсиз.

Агар киши оғзида Буддо номи билан бир кун ёхуд етти кун яшаган бўлса, ўлар чогида унинг қопшида қўплаб руҳонийлар ҳамроҳлигига Буддо пайдо бўлади. Унинг дили муқаррар буддо оламида қайта тугилади.

Агар киши Буддо ҳақида хабар топиб, Унинг таълимотига ионса, У Буддо хаўида хабар топиб, унинг таълимотига ионса, у Буддо ҳимоясидадир, олий дили равшанликка етиша олади.

